



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 13-iyul, chorshanba • № 29 (729) • 1996-yil dekabrda chiqarilgan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикасининг Бангкокдаги дипломатик ваколатхонасида «Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида «Ўзбек модели» ва мустақиллик йилларида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотларнинг натижалари» мавзuida тадбир бўлиб ўтди. Унда Таиланд давлатининг иқтисодиёт муассасалари, сайёҳлик компаниялари ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

8 июль куни пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан «Сиёсий ва маънавий етук раҳбар кадрларни тайёрлаш: муаммолар, ечимлар ва янги тажриба» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2011 йилнинг I ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқинлари ва соҳаларда иқтисодий ислохотларнинг бориши таҳлилга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

СУРХОНДАРЁ:

бунёдкорлик завқидан масрур юрт



Сурхон воҳаси кўҳна тарихи, бетакрор маданияти, нодир топилмалари, қадимий осори атиқалари билан бутун дунёга машҳур.

Бу тупроқдаги ҳар бир тош, ҳар бир гиштнинг ўз тарихи бор. Зараутсой ва Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсунтоғ қояларидаги битиклар ва суратлар бу замин жаҳон цивилизациясининг илк бешикларидан эканига гувоҳлик беради.

Ислом КАРИМОВ

Жануб қуёшининг эрталабки заррин нурларида шафланган азим Жайхун тўлкинлари кўҳна шаҳар кўрғони деворлари пойига урилиб ортга тисланади. Қамишларнинг бир текисда чайқалишидан чиқаётган турфа овозларга бўтана сувнинг секингина шалоплаши қўшилиб, атроф-жавонидagi ажиб бир сукунатни бузгандек бўлади, гўё.




Ўз тарихи давомида неча бор яқсон этилиб, яна қайта тикланган кўҳна Термиз этагида бунёд этилган Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий мақбараси пойида туриб улугвор Жайхунни, унинг қирғоқларида минг йиллар аввал бунёд этилган улкан шаҳарнинг ўша вақтдаги кўринишини кўз олдимиға келтираман. Ва ўша давр тақозосига кўра, стратегик ҳамда географик жиҳатдан ҳар томонлама қулай қарвон йўли устида Термиздек улкан шаҳар бунёд этган аждодларимиз ақлу зақосига қойил қоламан. Муборак қадамжодан туриб Термиз ҳақида ўйларканман, бу шаҳар минг йиллар давомида Мовароуннаҳрдек улкан давлатнинг асосий дарвозаси бўлгани каби бугун ҳам мустақил Ватанимизнинг табаррук остонаси эканидан кўнгилда беихтиёр фахр туйғусини ҳис қиламан.

Мақбара пойидаги тепалиқдан жимирлаб кўринаётган Аму бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки хил дунё, икки хил ҳаёт тарзини ажратиб турганга ўхшайди: қирғоқнинг ўнг томонида гуллаб-яшнаётган ҳаёт, эртанги кунга ишонч, яратиш, бунёдкорлик завқи билан яшаётган бахтиёр инсонлар, дунёни ўзига қаратаётган, кўпларнинг ҳавасини келтираётган ва шиддат билан ривожланаётган мамлакат. Чап томонда ўттиз йилдан буён тўхтамаётган уруш гирдобидagi жафокаш халқ, биродарқушлик, дарбадарлик...

Бахтимиз шундаки, биз соҳилнинг ўнг томонидамыз. Ўзбекистон дея аталмиш мустақил ва обод мамлакатдамыз. Улуг аллома мангу кўним топган мана шу макон, аввал ҳам, ҳозир ҳам дунёни нигоҳида бўлган қадим ва навқирон Термиз, жаннатмакон Сурхон воҳаси ҳам мана шу мустақил юртнинг бир гўшаси сифатида мана, йигирма йилдириқ, истиқлол шарофатидан баҳраманд бўлиб келмоқда.

3 »

ҲАВОНИ БУЛЪАГАН СОЛИҚ ТУЛАЙДИ



Австралия ҳукумати 2012 йилнинг 1 июлидан эътиборан атмосферани кучли ифлосланган мамлакатдаги 500 корхонага солинадиган солиқ ҳажмини белгилади, дея хабар беради «France Press» ахборот агентлиги. Эндилда бу корхоналар ҳавога углевод чикиндиларини чиқаргани учун ҳар тоннага 23 австралия доллари (24,8 АҚШ доллари) миқдорда солиқ тўлайди.

5-бет

"БОБУРНОМА" ОЗАРБОЙЖОН ТИЛИДА



Президентимиз Ислом Каримов "Бобурнома"нинг озарбойжон тилидаги нашрининг ўзига соғва қилинган нуқсасини Андижондаги "Бобур ва жаҳон маданияти музейи"га ҳаля қилди.

7-бет

МУҲАБАТНИНГ РАНГИН МАНЗАРАЛАРИ



Бир пардали спектаклнинг ҳар бир кўриниши бастакор мусиқаси асосига қурилган бўлиб, актёрлар ҳаракати экранда расмон томонидан тўхтовсиз кумда чизилаётган тасвирларга уйғунлашиб кетган. Спектакль давомида тасвир ва ҳаракатлар шу тарзда қаҳрамонлар ички оламини очиб беришга хизмат қилади.

8-бет

ТЕННИС: ШАКЛЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИ



Яқинда автобусда келаётиб ёш қизчанинг қўлида Оқгул Омонмуродованинг сурати акс эттирилган дафтларга кўзим тушди. Ундан суратдаги ким экани ҳақида сўраганимда, Оқгул наинки юртимизда, балки дунёда ҳам номдор теннисчи эканлигини, у қачон, қаерда туғилганидан тортиб қайси турнирларда қатнашганигача айтиб берди.

Бугун ёшларимиз ўзининг қаҳрамонларини яхши танийди, уларга ҳавас билан қарайди, ҳавас эса эзгу орзуларга қанот беради. Спорт, хусусан, теннис билан мунтазам шуғулланиш ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш, уларда қатъият, мардлик, ғалабага интилиш фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади.

2 »

"ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ" – ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДАГИ НУФУЗЛИ ТАНЛОВ

Юртимиз мустақилликни қўлга киритган буюк тарихий сана, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Шундай шуқуҳли давларда Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг залворли ютуқларини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини ёрқин ҳаётий мисоллар асосида жаҳонсиро кенг тарангум этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу оммавий ахборот воситалари вакиллари, хусусан, журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигир-

ма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориди мазкур йўналишда муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу қарорга асосан истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган улкан ишларни кенг тарғиб этиш, оддий, ҳаётий мисолларда уларнинг моҳиятини очиб бериш мақсадида журналистларимиз самарали меҳнат қилмоқдалар. Бу йўналишдаги ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш мақсадида журналистика соҳасида «Энг улуг, энг азиз» танлови ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбири Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтказиладиган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий танловининг аҳамияти, ушбу нуфузли тадбирга тайёргарликнинг бориши хусусида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод ҲУЛОМОВ билан сўхбатлашди.

— Бугунги давр журналистлар олдида тобора катта вазифаларни қўймоқда, — дейди Ш.Ҳуломов. — Президентимиз шу йил 27 июнь куни матбуот

ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида қуйидаги фикрларини алоҳида таъкидлади: "...Матбуот минбаридан айтилган сўз қандай қудратли акс садо бериши мумкинлигини, унинг таъсири ва самарасини ошириш аввало сизларнинг маҳоратингиз, ижтимоий позициянгиз, инсоний ва ижодий фазилатларингизга, ҳақиқат масъулият туйғуси билан иш олиб боришингизга боғлиқ эканини миллионлаб муштарийлар аҳши билади ва сиздан айнан шуни кутади".

Албатта, бу самимий сўзлар биз, журналист аҳлига катта қувонч бағишлаб, барчамизни эл-юрт ва халқимиз хизматиға ҳамиша тайёр туришга ундайди, зиммамизга катта масъулият юклайди. Юртобшимиз табригида олдимизга қўйилган вазифалар фаолиятимизни, имконият ва салоҳиятимизни танқидий баҳолаш, ижодимизга янада масъулият ҳисси билан ёндашишга даъват этади. Халқимиз журналистларини Ватан тараққиёти, юрт равнақиға, ҳақиқат ва адолат барқарорлиғига хизмат қиладиган фидойи ижод аҳли, деб билади. Шундай экан, бу-

гун журналист юртимиз манфаатининг том маънодаги ҳимоячиси бўлиши, мазкур соҳада мамлакатимиз ва жаҳонда тўпаланган илғор иш тажрибаларини пухта ўзлаштириши лозим.

Бунинг учун юртимизда журналистлар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари соҳасида қабул қилинган демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган ўнга яқин қонун ҳужжатлари журналистларнинг эркин фаолият юритиши, ахборот олиши, матбуотимизнинг амалда мустақил бўлишини таъминламоқда.

Журналистларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларни янги ижодий марралар сари руҳлантириш масалаларига давлатимиз ва ҳукуматимиз доимий эътибор қаратмоқда. Шу маънода «Энг улуг, энг азиз» танлови журналистлар учун катта рағбат бўлмоқда.

4 »

ЖАРАЁН

СУРХОНДАРЁ:

бунёдкорлик завқидан масрур юрт

(Бошланғич 1-бетда.)


Алломалар руҳи мададкор воҳа

Истиклол йилларида воҳада амалга оширилган беқиёс ишлар, Сурхоннинг танги, меҳнаткаш халқи кўлга киритаётган ютуқлар, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги юксалишлар ҳақидаги фикрларни айнан тасавуф оламининг зарбардаси намоянчаси Ҳакам ат-Термизий қадимжосидан бошлаганимиз беҳиз эмас. Аслида, шу кунларда бу табаррук маконни зиёрат қилган ҳар қандай инсон бу ердаги бундан бор-йўғи йигирма йил аввалги аҳвол билан бугунги ўзгаришларни қиёслаб шу йиллар орасида бутун воҳада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида яққол тасавуруга эга бўлиши шубҳасиз. Қувонарлиси шундаки, бундай савобли ишлар ҳозир ҳам жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Шарқнинг илм-маърифат марказларидан бири бўлган кўҳна Термиздан бизнинг кунларимизгача жуда кам тарихий обидалар сақланиб қолган. Афсуски, улар ҳам собиқ шўролар даврида шафқатсизларча йўқ қилинди. Хусусан, Султон Саодат мажмуаси, айниқса, Шарқ оламини таенгсиз бўлган Қизлар дорифунуни — Қирққиз тарихий обидалари деярли тупроққа айлантилди. Улғу аллома Ҳакам ат-Термизий мақбараси қум-барханлари ва чангалзорлар орасида қолиб етди. Бундан йигирма йил муқаддам ушбу қадимжолар ҳолидан хабардор бўлган киши истиклол йилларида мазкур тарихий обидаларни тиклаш, уларни халқимизнинг боғ маданият-тарихий мероси қаторига қўйиш борасида амалга оширилган ишлар олдида лол қолиши беғумон. Айниқса, Юртбошимиз сайёҳаракати билан қайта тикланган ат-Термизий мақбара-мажмуаси, бу ерда барпо этилган улкан боғ, бетакрор ландшафт архитектура, шубҳасиз, тупроқ остида қолган тарихий Термизни қайта юзага келариш, тарихий-маънавий жаҳоирларимизни сайқаллаштирган ҳолда халқимизга қайтариш йўлида қилинган ибратли ва савоб ишларнинг самарасидир.

Қишлоқ хўжалигида саноат тараққиёти

Барча соҳаларда катта имкониятларга эга бўлган Сурхондарё вилоятининг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва салоҳияти алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги воҳа ўзининг қимматбахо ингичка толали пахта, пишкунча пухта "кумуш тола"си, шириншакар мевалари билан нафақат юртимиз аҳли, балки хорижликларнинг ҳам эътиборини қозониб келаётган. Воҳада бошқа вилоятларга нисбатан қўшма кўнларнинг узокроқ



давом этиши ердан бир неча марта ҳосил олиш имконини беради. Бу келгусида ер ресурсларидан умуми фойдаланишда хорижий инвесторлар билан янада кенгрок ҳамкорлик қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида юқори самарадорликка эришиш учун асос бўлиши шубҳасиз. Бинобарин, эндиликда воҳада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эмас, саноат моллари ишлаб чиқаришга ҳам йирик лойиҳалар татбиқ этилмоқда. Ваҳо-ланки, мустақилликка қадар деярли барча турдаги ер ости ва ер усти бойликлари улкан захирасига эга бўлган вилоятда мавжуд хомашёни қайта ишлаш соҳасида қорхона деярли бўлмаган. Мавжудлари асосан пахта чигитдан ажратувчи қорхоналар бўлиб, улар алмисокдан қолган кўп харажатли, аммо жуда кам иқтисодий фойда берадиган технологиялар асосида ишлаб турганди.

Шу ўринда қизиқarli бир фактни эсламай илож йўқ. Уша йиллари воҳанинг "қош-қўзи" саналган Денов ёғ-экстракция заводи ҳамда Шўрчи домини қайта ишлаш қорхонасининг озуқабоп маҳсулотлари вилоятнинг минглаб қорвадорлари қолиб, собиқ иттифоқнинг олис республикаларига жўнатилган. Ваҳо-ланки, пахта яккахоқимлиги ҳукмрон бўлган уша замонларда воҳада беш юз минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етиштирилган.

Бу қорхоналар бугунги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, энди мазкур қорхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан энг аввало сурхондарёликлар манфаатдор бўлмоқдалар. Ортгани эса чет элларга экспорт қилинмоқда. Истиклол шарофати туфайли ушбу қорхоналар энг замонавий хориж технологиялари билан қайта жиҳозланди. Ишлаб чиқариш қуввати бир неча баравар оширилиб, маҳсулот сифати халқаро стандартлар талабига етказилди. Уйда чорва боқиб, оилавий бизнесни юритаётган тadbиркорга ҳам, юзлаб бош қорамол парварни қиладиган фермерга ҳам "Сурхондарё чорва озуқалари" бош бирлашмаси орқали тўйимли озуқалар етарлича етказиб турилибди. Ана шундай имкониятлар яратилгани боис, биргина 2010 йилда вилоятдаги наслчилик хўжаликларида деҳқон ва фермер хўжалиқларига 2100 бош насли қорамол сотилди. Хориж давлат-

ларидан ҳам 800 бош насли қорамоллар келтирилди. Утган йили чорвачилик йўналишида вилоят бўйича 523 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани мустақиллик йилларида воҳада чорвачиликни ривожлантиришнинг замонавий механизми шакллантирилганидан дарак беради. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг



"2009-2012 йилларда Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истикбосиз қорхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастури" ҳамда "2011 йилга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастури"га кўра вилоятда сутни қайта ишлаш соҳасига (3 та лойиҳа) 743 минг АҚШ доллари, гўшти қайта ишлаш соҳаси ривожига (3 та лойиҳа) 270 минг АҚШ доллари, паррандачиликни ривожлантириш учун 1025 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб қилинган воҳада чорва ҳамда паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда юқори самарадорликка эришиш имкониятини яратди.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг ҳар иккала дастури доирасида барча соҳалар бўйича 2010 йилда умумий қиймати 17,8 миллиард сўм ва 5,4 миллион долларлик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган бўлса, жорий йилда биринчи дастур бўйича қиймати 49,1 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги 47 та лойиҳа, кейинги дастур асосида эса қиймати 45,8 миллион АҚШ долларлик 62 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Азалий орзулар рўёби

Айтишларича, ўтган аср ўрталарида вилоятнинг шимолий ҳудудларига темир йўл ўтказиш учун бир неча бор ҳаракатлар бўлган экан. Ҳар ҳолда, кексалардан шу ҳақда узук-юлук гаплар эшитганимиз бор. Бироқ бу аслида сурхондарёликлар кўнглидаги орзулар эди, холос. Орзуларки, чўлдаги сароб мисоли алдамчи. Энди уйлаб қарасак, ушунда одамлар бу ҳақда ўйлаганларида фақат ўзларини юпатиш учун, гўёки шундай кўнлар келишини кутаётгандек орзу-хаёллarga берилишган экан. Аслида воҳанинг шимолий ҳудудларида саноатни йўлга қўйиш ва шу йўл орқали аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ҳақида амалда ҳеч ким уйлаб ҳам кўрган эмас.

Ваҳо-ланки, воҳанинг айни шу ҳудудлари, хусусан, Бойсун, Олтинсой, Сарюсид туманлари ўзининг улкан ер ости бойликлари, жумладан, кўмир, сланец, қора ва рангли металллар, керамзит, нефть ва газ конденсатларига бойлиги билан ажралиб турар, бироқ замонавий транспорт инфратузилмаси йўқлиги сабаб бу бойликларни саноат усулида қайта ишлашни мутлақо имкони йўқ эди. Мухтарам Президентимизнинг мамлакат истикбалини кўзлаб тутган оқилона сиёсати туфайли воҳада биринчи навбатда йўл-транспорт коммуникацияларини замон талабига мос равишда қайта қуриш, энг асосийси, бу ерларга темир йўл тармоғини олиб келиш тўғрисидаги таклиф ва ташаббуслари аҳоли турмуш тарзини мутлақо янги ўзгаша солиш учун асос бўлди, дейиш мумкин.

Денгиз сатҳидан бир ярим минг метр балангликдаги тоғлар бағридан пўлат излар ўтказиш, қайд этиш жоизки, темир йўллар тарихидаги камёб

ҳодиса. Бу каби мураккаб ечимли лойиҳалар дунёнинг камдан-кам давлатларида амалга оширилгани эъти-

борга олсак, Тошгузар — Бойсун — Қумкўрғон темир йўли қурилишда амалга оширилган ишлар кўлами янада ёрқинроқ намён бўлади. Очиги, бундан 20-30 йил муқаддам Бойсун тоғларини кесиб темир йўл ўтказилади, деган гап қулқоқ аначайин эриш эшитиларди. Бироқ жуда қисқа муддат — 3 йил ичида умумий узунлиги 223 километрдан иборат ҳамда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривож учун мислсиз аҳамиятга эга бўлган ушбу темир йўлнинг қуриб фойдаланишига топширилгани юртимиз ҳар қандай мураккаб ечимдаги замонавий улкан лойиҳаларни ҳам уддалай оладиган салоҳиятли мамлакатга айланганини кўрсатиб турибди.



Тошгузар — Бойсун — Қумкўрғон темир йўли фойдаланишига топширилиши биланоқ воҳада замонавий саноатни ривожлантириш ҳам жадал бошлаб юборилди. Шу кунларда Сарюсид туманининг Хонжизза ҳудудига полиметалл заводи қурилиши охирига етказилмоқда. "Шарғун" кўмир қонида модернизациялаш орқали унинг имкониятларини янада кенгайтириш, "Бойсун"

кўмир ҳавзасида юқори сифатли кўмир ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш борасида йирик лойиҳалар қилинмоқда. Шер-обод туманида йилга бир миллион тонна цемент ишлаб чиқарувчи завод, Бойсун туманининг Гажақ массивида Малайзия давлати инвестицияси асосида газни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланган арафасида. Демак, яқин йиллар орасида Сурхондарё мамлакатнинг саноатлашган ҳудудларидан бирига айланиши мумкин.

Воҳада йўл-транспорт инфратузилмасининг замонавий талаблар даражасига кўтарилаётгани туфайли ҳудудда аҳолига сервис хизмати кўрсатиш тизимлар ҳам қайта шаклланиб, қўшимча иш ўринлари барпо этилмоқда, аҳоли учун ҳар томонлама қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, темир йўл тармоғи ишга туширилган, энг олис қишлоқлар ҳам чирой очди. Замонавий темир йўл бекатлари, улар атрофида бунёд этилган кўлаб турар жойлар, ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохбачалари учун бинолар энг сўнгги архитектура талаблари асосида бунёд этилгани билан эътиборга моликдир. Биргина мисол: йигирма йил муқаддам бор-йўғи иккита эски мактаб биноси, хўжалик идорасидан иборат бўлган Дарбанд қишлоғи темир йўл ўтиши билан қўрқам шаҳарчага айланди. Қисқа муддат ичида бу ерда бунёд этилган темир йўл бекати, депо, темирйўлчилар шаҳарчаси, ҳар қандай шаҳарлик ўқувчи ҳавас қиладиган мактаб, касб-хунар коллежи ва бошқа ўнлаб маданий-маиший хизмат бинолари бугун нафақат шу қишлоқ аҳли, балки Дарбандга тўхтаб ўтаётган ҳар бир йўловчининг ҳавасини келтирмоқда.

Дарвоқе, Дарбанд қишлоғига туташ, ўзининг минг йиллик чинорлари ва мўъжизавий



чашмалари билан дунёга танилган Сайроби қишлоғи аҳли Юртбошимизнинг ташаббуслари туфайли асрий орзуларига эришганларини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Ушунда мустақилликнинг учинчи йиллини нишонлаш арафаси эди. Сурхондарё вилоятга қилган сафари чоғида Президентимиз сўлим Сайроби қишлоғига тўхтаб ўтдилар. Сайробиликлар билан бўлиб ўтган самимий мулоқот чоғида ҳудудда аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида муаммо борлиги аён бўлди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас юз километрдан ортиқроқ масофадан тортилган газ тармоғи фақат Сайроби қишлоғи эмас, балки 100 минг аҳолиси бўлган тоғли Бойсун туманининг деярли барча қишлоқларидаги хонадонларда ҳам "зангори олов" ёнди.

Инвестиция — тараққиёт омили

"Қайси бир ҳудудга хориж инвестицияси кириб бормас экан, ҳар бир туманда ҳеч бўлмаса бир-иккитадан чет эл



ҳамкорлигидаги қўшма қорхоналар ташкил этилмас экан, демак, уша ерда тараққиётнинг ўзи бўлмайди, ривожланиш бўлмайди". Бу иборани давлатимиз раҳбари жуда кўп такрорлаган.

Дарҳақиқат, қаердаки хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик яқши йўлга қўйилган бўлса, уша ерда иқтисодий юксалиш бўлаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Тан олиш керак, мустақилликнинг дастлабки йилларида воҳада айни ушбу соҳада илгарилаш мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан анча орқада эди. Аммо сўнгги ўн-ўн беш йил ичида бу борада ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Бундан ташқари, энг олин вақт ичида воҳада тўқимачилик, фармацевтика, тоғ-кон саноати каби тармоқларда, шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш индустрияси, транспорт ҳамда меҳмон-хоналар соҳаларида ташкил этилган қўшма қорхоналар мисолида кўриш мумкин. Ушбу фикрларни рақамлар тилида таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги манзара намён бўлади: ҳозирги кунда вилоятда 50 дан ортиқ хориж сармоясига иштирокидаги қорхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улардан "Уфрон-инвест", "Интер Силк Про", "Сириус Имон", "Қамол-Карвон Транс" ва "Боздемир Иншоот Сервис" МЧЖ каби қўшма қорхоналар 2010 йилда ташкил этилди. Утган йил якунига кўра улар томонидан 135,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва бу чет эллик ҳамкорлар билан 2009 йилда кўлга киритилган кўрсаткичдан қарийб 28 миллиард сўмга кўп демакдир.

Умуман олганда, ўтган йили мавжуд қўшма қорхоналарнинг ташқи савдо айланмаси 20729,1 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Шундан экспорт 18969,9 минг АҚШ доллари, импорт эса 1759,2 минг АҚШ доллари ташкил этди. Вилоятда иқтисодиётнинг асосий йўналишларидан бири — ташқи савдо айланмасини, хусусан, четга маҳсулот экспорт қилишни кескин оширишни таъминловчи йирик лойиҳалар ҳозирданок ўз самарасини бера бошлаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, барча йўналишлар бўйича ташқи савдо айланмасининг ўтган йили 144 фоизга ошгани ва 298 миллион АҚШ долларига етказилгани, айниқса, ташқи савдо айланмасида экспортнинг улуши юқори бўлиб, ижобий сальдога эришилгани инвесторлар билан ҳамкорликни янада яхшилашга қаратилган дастурлар ижроси самарасидир. Вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари экспорт ҳажмининг 2,7 марта ортгани мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили" Давлат дастури бўйича амалга оширилаётган ишларнинг рўёби, дейиш мумкин.

Аҳоли фаровонлиги устувор — Мустақиллик бизни чиройли уй-жойлар қуришга, ҳатто қишлоқ аҳолиси учун ҳам замонавий, миллий ва европа услубида уй-жойлар қуриб, фаровон яшашга ўргатди, — дейди вилоятнинг таниқли журналистларидан бири Исмаил Нурбоев. — Яқинда олис тоғ қишлоғидаги танишларимдан бирининг уйига бордим. Денгиз сатҳидан қарийб 2 минг метр балангликдаги мўъжизагина қишлоқдаги ҳовлида икки қаватли бир қошона қурибди дедим. "Буюрсин, — дедим, — кексаганингда қошона кўтариб, би-и-и-р завқланайин дебсан-да!"

— Э-э, нимасини айтасан? Шўролар даврида юрган экан-

миз-да, умрни беҳуда ўтказиб. Ҳозирги шу боғ, шу ер ўшанда ҳам бор эди, — деди у кенг ховли-боғни кўрсатиб. — Ерни увол қилиб, давлатнинг боқимандаси бўлиб бир парча нонга қараб ўтираверибмиз. Ҳозир ўлим иккимиз фермермиз. Ташландик жойни боғ қилдик, даромад кўрапмиз. Фойдасига кўп қатори шу уйни қурдик. Ҳа, айтмоқчи, туман марказида яқинроқдаги икки қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни ҳам кўриб келдим. Бу ҳам бизнинг, фарзандларимиз, невараларимизнинг бахти...

Ҳа, паҳса ва лойсувоқ уйлари, тупроқ кўчалар энди тарихдан жой олмоқда. Фақат 2010 йилда вилоят миқёсида 77,9 минг кв.метр (660 та) яқка тартибда уй-жой қурилиши натижасида юзлаб ёш оилалар замонавий, қўрқам ҳовли-уйларга кўчиб ўтди. Бундан ташқари, аҳолининг яшаб турган уй-жойларини замонавий тартибда қайта қуриш, реконструкция қилиш учун давлатимиз томонидан шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилгани ҳам айни мўддоа бўлди.

Мамлакатимизда тиббиёт, таълим ва фан соҳаларини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг ижобий натижаларини Сурхондарё вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мавжуд 68 та шифохона, 243 та қишлоқ врачлик пункти, 310 та амбулатория-поликлиника вилоят аҳолисига юқори даражада тиббий хизмат кўрсатётганининг ўзидек кўп нарсани англаш мумкин. Тасавури қилинса, қишлоқлардаги мавжуд КВНларнинг деярли барчаси янгитдан қурилган. Улардаги энг замонавий тиббий ускуналар шу ернинг ўзида беморга малакали таъхис қўйиш ва даволаш имкониятини беришмоқда.

Шунингдек, туман ва шаҳар касалхоналарини замонавий талаблар даражасида қайта қуриш, жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, вилоят кўп тармоқли тиббий маркази, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали, шунингдек, Денов, Ангор, Олтинсой, Шеробод, Шўрчи туманларидаги кўп тармоқли тиббий марказларни қайта реконструкция қилиш, жиҳозлаш лойиҳалари жадал амалга оширилмоқда. Айниқса, она ва бола саломатлигини яхшилаш, оналар ва болалар ўлимини кескин пасайтириш мақсадида вилоят тугуруқона комплекси, 14 та тумандаги мавжуд тугуруқ бўлимлари ҳамда вилоят перинатал маркази ярим миллиард сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангани мақтовга молик. 2010 йилда вилоятда тиббиётни ривожлантириш дастурига киритилган вилоят болалар тиббиёт маркази учун 60 ўринли терапия бўлими биносининг қурилиши, вилоят ўсимлар диспансерини қайта жиҳозлаш натижасида воҳада болалар ва ўсимлар ўртасида касалликларнинг олдини олиш, малакали тиббий ёрдам кўрсатишга замин яратилди.

Истиклолнинг ўтган 20 йили сурхондарёликлар учун азалий орзулар рўёбга чиққан йиллар бўлди. Шу кунларда воҳанинг қайси бир шаҳар ёки қишлоғига борманг, одамлар кўнглига эртанги кунга нишонч, хотиржамликни ҳис қиласиз. Халқона ибора билан айтганда, етти яшардан етмиш яшаргача бўлган киши борки, бунёдкорлик, яратувчилик завқи билан масрур. Уму ҳоҳлидаги қадим Термиздан осмонлар тоғлар салтанати ичра гуллаб-яшнаётган Сарюсид-ю Узунгача, яшил боғ-роғлар макони Олтинсойдан чўл жаҳожири Шерободу Музработгача боғу бўстонга айланмоқда.

Даврон ОРИПОВ, «Hurriyat» муҳбири

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” — ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДАГИ НУФУЗЛИ ТАНЛОВ

✓ Дунё тажрибаси

1997 йилнинг декабрь ойида америкалик Жорн Баргер интернет тармоғида ўзининг www.robotwisdom.com номли саҳифасини яратди ва унга кизиқарли сайтларни, шунингдек, ҳаётдаги аҳамиятли воқеалар билан боғлиқ янгиликларни joyлаштирди. Сўнгра уни инглизча «web» ва «log» сўзларини бириктирган ҳолда «weblog» деб атади. 1999 йилга келиб Петер Мерхолс «weblog» сўз қўшилмасини иккига ажратиб, «we blog», яъни «Блог қиламиз» ёки «Блог билан шўғулланамиз» деган иборани ўйлаб топди ва уни ўз веб-сайтга алоҳида рўқна сифатида joyлаштирди. Шу тариқа, «Блог» интернет оламига янги атама бўлиб кириб келди.

(Бошланғич 1-бета)

— Мазкур танловнинг истиқлолимиз йигирма йиллиги нишонланадиган жорий йилдаги аҳамияти ва унга оид янгиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, Ватанимиз мустақиллиги кунига бағишланган “Энг улуг, энг азиз” танлови олдинги йилларда бешта йўналиш — бадиий адабиёт, босма оммавий ахборот воситалари, телерадио журналистикаси, тасвирий санъат ва кино санъати соҳаларида ўтказиб келинарди. Ўтган йилларда ўнлаб журналистлар ушбу нуфузли танлов ғолиби бўлдилар.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган қарорига биноан мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан санъат соҳасида алоҳида танловлар ўтказиб белгиланган. Шунга мувофиқ, жорий йилда “Энг улуг, энг азиз” республика танлови фақат журналистика соҳасида ўтказилмоқда. Танлов Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Ўзбекистон Миллий ахборот агент-

лиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танловнинг мақсади “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” деган эзгу ғояни, ўтган йигирма йил мобайнида барча соҳалар ва тармоқларда қўлга киритилган улғун ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудратини, юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ очиб бериш ва халқаро жамоатчиликка етказишга қаратилган. Айни вақтда мустақиллик биз учун энг буюк ва энг азиз қадрият экани, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги улкан ишларни, давлатимизнинг халқро майдонда нуфузи ошиб бораётганини оддий, ҳаётий мисолларда кенг аҳоли қатлами эътиборига ҳавола этиш кўзда тутилган.

“Энг улуг, энг азиз” танлови

— матбуот, телевидение, радио ҳамда интернет-журналистика, фото ва дизайн ишлари бўйича ўтказилади. Хар бир йўналиш 1-, 2-, 3-ўрин даражасида баҳоланади. Бундан ташқари, юқоридаги соҳалар бўйича иккитадан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловга 2010 йилнинг 1 августидан 2011 йилнинг 1 августигача бўлган даврда газетажурналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар жорий йилнинг 1 августига қабул қилинади.

Таъкидлаш жоиз, “Энг улуг, энг азиз” республика танловини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан молиялаштирилди.

— **Айтинг-чи, шундай танловлар жараёнида ҳамкасбларимизнинг ижодий маҳорати, бугунги замон билан ҳамнафаслиги қандай жиҳатларда намоён бўлмоқда?**

— Бугунги глобаллашув дав-

ри аввало журналистлардан катта маҳорат, кучли билим ва кенг тафаккурни талаб этади. Зотан, мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллашни мақсад қилган эканмиз, журналистларимиз замонавий ахборот-коммуникация технологияларини яхши ўзлаштириши, бугунги давр шиддати-га мос бўлиши даркор.

Айни шу жиҳатлар юртимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 1218 оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлиб, шундан 700 номдагиси газета, 250 номдагиси журнал, 17 номдагиси бюллетень-ахборотномалардир. Шунингдек, юздан ортиқ телерадиотармоқлари фаолият кўрсатмоқда, 150 веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган. Мамлакатимизда тўртта ахборот агентлиги ишлаб турибди.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни тарғиб этишда журналистларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақида гапирганда, аввало, мавжуд журналистик тизимни янги миллий мазмун билан бойитиш асослари яратилганини таъкидлаш жоиз. Бу ажодлар меросига

эҳтиром, миллий руҳ ва ўзликни англаш, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида туган ўрнига алоҳида эътибор, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги изчил ишларда ўз ифодасини топмоқда.


Шу билан бирга, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Буни чуқур англаш, шунга муносив тарзда ижод қилиш, одамлар қалбидagi Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш юртимизда фаолият юритаётган хар бир журналистнинг муқаддас бурчидир.

ЎЗА МУХБИРИ
Хусниддин БЕРДИЕВ
сўхбатлашди.

Фотожурналистика

ФОТОНИГОҲДА ҲАЁТ ЛАҲЗАЛАРИ



Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номли драма ва мусиқа театрида тажрибали фотожурналист Тоҳир Норқуловнинг «Самарқандим — асалим, қандим» мавзусидаги шахсий фотокўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Ватанимиз равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаятган турли касб эгалари — замондошларимиз киёфаси, она диёримизнинг бетакрор манзараларини акс эттирган фотосуратлар намоиши этилди.

Миллий ахборот агентлигининг Зарафшон воҳаси бўйича фотомухбири вазифасида хизмат қилди. 2005 йили “Энг улуг, энг азиз” Республика танлови ғолиблигини қўлга киритди. Тоҳир ака юрт кезиб чарчамайдиган ижодкор. Унинг қадами етмаган, фотонигоҳи тушмаган гўшалар, воҳалар камдан-кам. Шу боис ҳам Тоҳир Норқуловни Қизилқум саҳроларида, Қарнаб чўлларию Нуротада, Нуробод ва Қўшработ яйловларида, фермер ҳўжалиқларида, корхоналарда танимаган одамнинг ўзи йўқ. У ўз касбининг чинакам фидойиси. Эзгулик ва яратувчилик ишқи билан яшаётган юртдошларимиз фаолияти унинг синчовк нигоҳидан четда қолмайди.

Айни пайтда нафақада бўлишига қарамай, Тоҳир Норқулов ҳамон эл орасида. Узининг ижодий асарларини жамлаб, жойларда фотокўргазмалар ташкил этишни сеvimли машғулотига айлантирган. Ўз касбидан сурур топиш деганлари шу бўлса керак.



Адхам ХАЙИТОВ

БЛОГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИМИ?

Муман олганда, блог интернетда ахборотни мунтазам равишда тартиб-таъдил қилиш, қайта ишлаш, узатиш билан характерланади. Бошқа томондан, глобал тармоқда узатиш воситаси сифатида қўлланиладиган ҳар қандай кундалик ҳам блог бўлиши мумкин.

Блог яратилган дастлабки йилларда унга муаллифларнинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, қизиқишлари ёритилган шахсий журнал ёки кундалик сифатида қаралган. Шу боисми, ундан фойдаланувчилар камчиликини ташкил этган. Бугунги кунга келиб эса, блог нафақат фойдаланувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш воситаси, балки дунёнинг муҳим нуқталаридан хабар берувчи манба сифатида интернет тармоғининг муҳим қисмини ташкил этмоқда. Блогнинг қисқа вақт ичида бундай оммалашиб кетиши сўнгги йилларда интернетда хатто янги соҳа — «blogsphere» (блог соҳаси)нинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бироқ яратилаётган блогларнинг барчасини ҳам талаб даражасида дейиш қийин. Чунки блоггерлар кўп қисми профессионал эмас, аксинча интернетдаги оддий фойдаланувчилардир. Улар шахсий кундалигидан даромад олишмайди, хатто нонча ўқувчиси борлиги уларни қизиқтирмайди ҳам, уларнинг мақсади ўз ҳаёти ва қизиқишларини кимлар биландир ўртоқлашиш, холос. Шунга қарамастан кейинги пайтда интернетда оммавий ахборот воситаларига тенглаша оладиган блоглар яратилмоқда.

Жаҳоннинг йирик ахборот агентликларидан бири бўлган Reuters BlogBurst (www.blogburst.com) номли компания билан шартнома тузгани блогларнинг тобора оммавийлашиб бораётганидан далолат беради. Эътироф этиш керакки, ушбу компания АҚШ ва Буюк Британияда мавжуд йирик газеталар учун интернет-кундаликларидан ахборот ва шарҳлар узатиш билан шўғулланади. Кўриниб турибдики, блог оммавийлашгани сайин ўзининг дастлабки хусусиятини ҳам ўзгартириб, ҳам кенгайтириб бормоқда.

Умида КАМОЛОВА,
ЎзМУ талабаси

Дилдаги гаплар

Ушбу жод ҳақида фикр юритилганини, бундан йигирма йил муқаддам Испанияга қилган саёҳатим, қадимий Кардова кўчалари эсимга тушади. Жин қўчаларда ялангоҳ шеър айтиб юрган Лорка кўз олдимда жонланади. Ўзим шоир бўлмасам-да, шеърини, лирик назмни жуда севаман. Бир адабиётчи айтганидек, вақт топдим дегунча буюк бобомиз Алишер Навоий газалларини, Абдулла Орипов, Эркин Вохидов, Омон Матчон, Мухаммад Юсуф ҳамда Федерико Гарсиа Лорка шеърларини, Сергей Есениннинг ижод намуналарини мазза қилиб ўқиб тураман. Ва ўзимда илоҳий бир куч пайдо бўлганини ҳис қиламан.

*Муҳаббатим, яшил ранг,
Шовулласан яшил бод.
Яшил денгизда кема,
Дўнликларда тунга от.
Шомлар чўмиб туманга,
Йул қарайди манзардан,
Кумуш қўмбор нигоҳиди
Яшил сўрлар, яшил тан,
Муҳаббатим, яшил ранг...
Ой нурида ам-яшил,
Четинга чиқай ман.*

Испаниянинг исёнкор шоири Лоркани шеъринида инқилоб ясаган шоир, дейишади. Чиндан ҳам унинг хуррият, эркинлик, жўшқинликка йўғрилган шеърлари ҳақиқий инқилоб эди. Уларни ўқиб, эшитиб, қалбингиз жунбушга келади, дилингизда шундай бир ҳислар гулжон ўйнайди, уларни бошқара олмай қоласиз. У ижод қилган сўзларни, ибораларни қаранг:

ИЖОД ҚАДРИ

“Қора байталнинг саграси
лиғил ялтирайди”.

“Қошлар хурмо дарахтининг
бутюғи бўлиб гуллайди”.

“Тунга гулхан экиб қора”.

“Муҳаббатим, яшил ранг”.

“Тилим билмай йиғлар зитара...”

Бу ўхшатишларни фақат Лорка ижодига учратиш мумкин.

Ижод — бу инсон тафаккурининг қаймоғи, бутун вужудидан отилиб чиққан вулкан. Уни ҳеч бир нарсага қийсалаб бўлмайди. Илҳом париси қанот қўқиб келганда, ижод булоқдай қайнаб тошадики, ўзининг бошқара олмай қоласан. Шу дам шоққин фикрларни ифодалаш учун мияда чарч ураётган сўзларни танлашга, тез-тез ёзишга қалам ҳам ожизлик қилиб қолади. Шундай шиддатли, шундай сеҳрли, оҳанрабо сўзлар...

Истеъдод — илоҳий неъмат. Уни на яратиб бўлади, на бировдан олиб. Шу сабабдан тўғма истеъдод эгаларини қадрлашди, уларни қамолотга етказиш учун ҳаракат қилишади.

Улуг бобомиз Алишер Навоий ўз шеърларида 150 минг сўздан иборат ўзбек тилининг луғавий бойлигидан 26 мингтагини ўз ижодига қўллаган, бадиий адабиётда туркий тилда бетакрор газаллар битиб, она тилимизнинг қадрини, ижод қадрини юксакликка кўтарган.

Ижод — ёзув билан гўзал. Ёзув

қарз, ҳам фарз-ку! Ижод ҳар кун, ҳар сонияда янгиликни қумсайди. Журналистикадан эса давр кўзгуси сифатида ана шу жараёнларни тезкор, ошқора, ўзига хос услубда, янгича ёритилиши талаб этилади.

Китоб ёки газета-журналларни мутолаа қилиб ўтирган одамларни кўриб: “Дам олиб, ҳордиқ чиқараяпсизми?” дейдиганлар ҳам топилди. Ё бўлмаса, хаёл оғушида юрганларни кўрганда “дарвишлар” деб ҳазил қилгучилар йўқ эмас. Библишмайдики, ўша “дарвишлар”нинг айримлари ўз ижод намунаси билан халқнинг дунёга танитишди. Доғистоннинг буюк шоири Расул Ҳамзатов “Халққа унинг буюқ фарзандлари орқали баҳо берадилар”, деб бежиз айтмаган.

Энг қизиғи журналист, шоир ёки ёзувчи тайёрлаш, бу инженер, агроном, жароҳни ўқитиб тайёрлашдан тубдан фарқ қилади. Ўзида тўғма истеъдод, Оллоҳ юқтирган маҳорат қалами бўлмаса, минг ўқиган билан у халқ севадиган асарлар ёзадиган ижодкор бўла олмайди. Ҳаётда олий даргоҳни «қизил диплом» билан битказиб, тахририятда тилга тушадиган бирорта мақола ёзолмай қийналган “ижодкор”ларни кўп кўрганимиз.

Шу боис давлатимиз раҳбари: “Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юрталарининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган

мутохассисларни, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам қўли иш қилишимиз керак”, деб бежиз таъкидламаганини ҳис этишимиз керак.

Журналистика факультетларига ҳақиқий, келажак бор ижодкорлар, истеъдодлар кириб, ўқишлари керак. Қоғоз. Унинг ҳар бир парчаси журналист учун нондек азиз, қадрли. Шу сабабли газета ёки журнал бўладики, китобми, исталган босма махсулотда чоп этиладиган ижод намунаси юксак савияда, илҳом билан ёзилган, ўқишли бўлиши давр талаби.

Мамлакатимиздаги нашрлар, китобларнинг бутун дунёга чиқишини, хорижий муштарийлар жавонларидан ўрин олишини ҳаммамиз истаёмиз. Тўғри, Навоий бобомиз айтганидек: “Осон эмас бу майдон ичра турмоқ...” Лекин мамлакатимиз бор бўй-басти билан жаҳон майдонига ўзгини дадил намоён этиб турган бир пайтда қалам аҳли олдида турган вазифаларни ҳал этиш қийин эмас. Бунинг учун, энг аввало, касбга содиқлик, масъулият ҳисси виждон қадар юксак бўлиши лозим.

...Ижод ва ижодкорнинг қадрига етиш, ёш истеъдодларни ёзозлаш, тарбиялаш, руҳиятини кўтариш ҳаммамизнинг бурчимиз. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ана шунда биздан улғу алломаларимиз сингари дунёга машҳур бўлиб алломалар, ёзувчи ва шоирлар етишди чиқаверади.


Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат қилган журналист

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ЕВРОПА БАНКЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ХАВОТИРДА

"Кўхна китъа"нинг 31 та банк ассоциациясини бирлаштирган Европа банклари федерацияси (EBF) еврохудоуддаги молиявий-иқтисодий аҳволдан хавотирланиб, иттифоққа аъзо давлат раҳбарларини молиявий барқарорлик ва яхлитликни сақлаб туришга чақирди.



EBF баёнотида қайд этилишича, Европа банклари давлат облигациялари учун йирик молиявий воситаларни сарфламоқда. Бунга, албатта, хавфсиз инвестиция капитали сифатида қаралиши лозим. Лекин худуддаги мавжуд молиявий қарздорлик оқибатида кўпгаб кредит ташкилотлари ўз ликвидлигини йўқотиши мумкин.

EBFнинг бу хавотири бежиз эмас. Негаки, экспертларнинг фикрича, Греция, Португалия ва Ирландиядаги иқтисодий таназзул Испания ва Италия сингари мамлакатларни ҳам қамраб олиши эҳтимоли йўқ эмас.

ДУНЁДА БИРИНЧИ МАРТА

Испаниялик хирурглар биринчи марта энг мураккаб жаррохлик амалиётини ўтказишди. Ун сатдан кўпроқ вақт давом этган операция жараёнида беморнинг иккала оёғи ҳам трансплантация (кўчириб ўтказиш) қилинди. Бу ҳақда "El Mundo" наشري хабар тарқатди.



Валенциянинг Ла Фе госпиталида ўтказилган бу жаррохлик амалиётига таникли трансплантолог Педро Кавадас раҳбарлик қилди. Унинг таъкидлашича, вазифа қийинчиликларсиз бажарилганига қарамай, унинг тўла муваффақияти тўғрисида гапиришга ҳали эрта. Яқин ҳафта ичида бу ҳақда бирон бир фикр билдириш мумкин.

Нима бўлган тақдирда ҳам, испаниялик шифокорларнинг ушбу жаррохлик амалиёти тиббиётда катта ютуқ сифатида баҳоланмоқда.

АҲОЛИ КЎЧИРИЛМОҚДА

Болгариянинг Дебелец шаҳри аҳолиси бошқа жойга кўчирилмоқда. Бунга стирол захарли моддаси солинган автоцестерннинг шахар худудидан ағдарилиб кетгани ва ҳавога муайян миқдорда захарли модда тарқалгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.



Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, ҳозиргача 3 мингдан зиёд аҳоли шахардан олиб чиқилган, бошқаларга ҳам турар жойларини тезроқ тарқ этиш тавсия қилиняпти.

Гап шундаки, ҳалокатга учраган автомашинадан 4 тоннадан кўпроқ стирол захарли моддаси тўкилган. Бу жойда ҳавога захарли булулт кўтарилган. Энг ёмони, стирол моддасининг бир қисми эса Белица дарёсига ҳам оқиб тушган.

Дебелец шаҳрида 4500 га яқин аҳоли истиқомат қиладди. Улар орасида жабрланганлар йўқ.

САНОАТ ЖОСУСЛИГИ

Германия иқтисодий хавфсизлик кўмитаси раҳбари Бертольд Штоппелькамнинг маълумотлари асосида «Deutschland radio» тарқатган хабарда айтилишича, немис корхоналари санаят жосуслигидан ҳар йили камида 20 миллиард евро атрафидан зарар кўрмоқда.


Санаят жосуслиги асосан экологик тоза технологиялар бўйича изланишларда, электр симлари ва юқори ҳажмли аккумуляторлар тайёрлаш тизимида кузатилмоқда.

Статистик маълумотларда қайд этилишича, бундай жиноятнинг ҳар юзтасидан кўпи билан олти таси фож этилади, холос. «Кўп ҳолларда муҳим маълумотлар йўқо-

либ қолади, — дейди Б.Штоппелькам. — Компанияларда етарлича маблағ ва махсус тайёрларикдан ўтган мутахассисларнинг етишмаслиги ҳам хиёнат қўламининг кенгайишига замин яратмоқда».

КАРТОШКА, ПИЁЗ ХАРИД ҚИЛИНМАЙДИ

Украина давлат фитоветеринария хизмати маълумотлари асосида «Diga» ахборот агентлиги тарқатган хабарда қайд этилишича, ошқозон-ичак тизимини захарловчи бактерия микдорини акс эттирган маълумотлари бўлмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мамлакатга олиб кириш вақтинча тақиқланди. Маҳсулотлар рўйхатида картошка, помидор, пиёз, қарам, сабзи, лавлаги, бодринг ва дук-какли экинлар киритилган.




Мамлакат аграр ва озиқ-овқат сиёсати вазирлигининг қарорига мувофиқ бу Украинага Европа мамлакатларидан олиб келинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини махсус лабораторияларда текширувдан ўтказиш асосий шарт қилиб қўйилди. Ваҳоланки, ўтган ой бошида давлат фитоветеринария хизмати раиси Иван Бисюк Европада келтириладиган мева ва сабзавотларга тақиқ қўйиш учун жиддий асос кўрмаётганини таъкидлаганди. Боз устига, Украина фарб давлатларидан катта миқдорда мева-сабзавот харид қилмайди.

Маълумки, Европадаги ичак инфекциясига доир шовшувлар сабаб бўлиб Россия ҳам фарб маҳсулотлари импортга чеклов жорий этганди. Аммо Еврокомиссия томонидан хавфсизликка қафолат берилган, бирин-кетин Испания, Голландия, Бельгия, Дания, Чехия, Греция каби давлатлардан мева-сабзавот харид қилиш йўлга қўйилди.

ХАВОНИ БУЛҒАГАН СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ

Австралия ҳукумати 2012 йилнинг 1 июлидан эътиборан атмосферани кучли йиқилган мамлакатдаги 500 корхонага солинадиган солиқ ҳажмини белгилади, дея хабар беради «France Press» ахборот агентлиги. Эндиликда бу корхоналар ҳавога углерод чикиндиларини чиқаргани учун ҳар тоннасига 23 австралия доллари (24,8 АҚШ доллари) миқдоридан солиқ тўлайди.



Ҳукумат шу йўл билан йиғиладиган даромаднинг катта қисмини ижтимоий тўловларга сарфлашни, шунингдек, даромад солигини камайтиришни режалаштирмоқда. Қолаверса, бу орқали нарх-навонинг ўсишини ҳам маълум муддат жилволашга эришилади, деб ҳисоблашмоқда мутахассислар.

Маълумки, 1997 йилда имзоланган Киото протоколида атмосферага чиқариладиган чикинди газлар учун махсус солиқ тизимини жорий этиш белгиланган. Бу ҳужжат Австралияда 2008 йилнинг мартидан амалга киритилди. Унга кўра, дастлабки босқич — чикинди газларни атмосферага чиқаришни камайтириш муддати 2008 йилнинг 1 январидан 2012 йилнинг 31 декабригача давом этади.

Экспертларнинг фикрича, «яшил китъа» атмосферага чиқарилаётган чикинди газлар миқдори бўйича дунёда Европада кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Кўмир асосида ишловчи электр станцияларидан кенг фойдаланиш, тоғ-кон саноатининг ривожланиши бунга асосий сабаб бўлмоқда.

51-ШТАТ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИМИ?

АҚШда Жанубий Калифорния деб номланадиган янги штат ташкил этилиши мумкин. «Washington Post» газетасининг хабар беришича, Республикачилар партияси вакили Джефф Стоун ана шундай ташаббусни илгари сурмоқда.



Федераль ҳукумат вакиллари бунни жуда кулгули ва энг аҳмоқона ҳаракат деб баҳолашмоқда. Д.Стоуннинг фикрича эса Калифорния худудий жиҳатдан жудда катта бўлиб, уни бошқариш муайян қийинчиликларни туғдириши мумкин. Қолаверса, ҳозир олиб борилётган иқтисодий сиёсат натижасида штат хазинаси деярли бўшаб қолди. Сиёсатчининг қайд этилишича, Калифорния Буюк депрес-

сия давридан буён бундай таназзулни бошдан кечирмаганди.


«Янги штатни ташкил этиш осон вазифа эмас, лекин уни амалга ошириш мумкин, — деди Д.Стоун «Los Angeles Times» газетасига берган интервьюсида. — Мазкур режа амалга ошгудек бўлса, мавжуд иқтисодий қийинчиликлар барҳам топиши мумкин».

Таъкидлаш жоизки, мамлакат қонунчилигига мувофиқ янги штат тузиш учун ўша штатдаги округ вакиллари бир тўхтамага келишлари зарур бўлади. Энг асосийси эса, бунинг учун мамлакат Конгрессининг розилиги талаб қилинади.

Эслатиб ўтамай, Калифорнияни икки ёки учта штатга бўлиш ҳаракатлари XIX асрнинг 50-йилларидан эътиборан бошланган. Аммо бу саъй-ҳаракатларнинг ҳеч бири кутилган натижани бермаган.

ФУТБОЛЧИЛАР ЙЎҚОЛИБ ҚОЛДИ

Эритреянинг «Ред Си» клуби 13 нафар футболчиси Танзанияда ўтказилган халқаро турнир чоғида йўқолиб қолди. Маълум бўлишича, мусобақа ярим финалидаги мағлубиятдан сўнг жамоа аъзоларининг тенг ярами белгиланган вақтда аэропортга етиб келмаган.



Айни пайтда маҳаллий полиция йўқолган футболчиларни кидирмоқда. Бироқ ҳозирча уларнинг қаерда эканлиги тўғрисида бирон бир маълумот йўқ.

Айтиш керакки, Эритрея жамоаси футболчиларининг йўқолиб қолиши илк бор рўй бераётгани йўқ. 2009 йилда ҳам Эритрея терма жамоасининг 12 нафар футболчиси Кенияда ўтказилган мусобақадаги иштирокини тугатганларидан сўнг йўқолиб қолган эди.

Бу воқеа ажабланарли эмас. Чунки Эфиопия, Эритрея ва Сомалидан келадиган ноқонуний эмигрантлар Жанубий Африка ва бошқа мамлакатларга ўтиб кетиш учун тез-тез Танзания худудидан ана шундай фойдаланиб турадилар.

СЕВГИ ТУФАЙЛИ...

Хитойлик Лю Пей Вень севган қизига уйланиш учун 1600 километр масофани пиёда босиб ўтмоқчи. Хэнань провинциясида яшовчи 29 ёшли ошпаз йигит июнь ойининг сўнгги кунларида висол истаб йўлга чикди ва бир неча ҳафта ичида маъшукаси ёнида — Гуандун провинциясида бўлишини маълум қилди.



Лю Пей Вень қизининг қўлини сўраганида Лин Сюэ йигитга 1000 миль масофани пиёда юриб келса, турмушга чиқишни шарт сифатида маълум қилган эди. Лин Сюэ хоним журналистларга берган интервьюсида ўзининг ҳазиллашганини, аммо йигит чиндан ҳам шунча йўлни пиёда босиб келса, турмушга чиқишдан бошқа иложи қолмаслигини билдирди.

ОММАВИЙ ИШ ТАШЛАШ ОҚИБАТИ

Чилидаги «Codeico» давлат компанияси ишчилари сўнгги 18 йил ичида биринчи мартаба оммавий иш ташлашлар. Бунинг натижасида мис ишлаб чиқарадиган ушбу йирик компания ўз ишини вақтинчалик тўхтатишга мажбур бўлди, деб ёздади «Reuters» ахборот агентлиги.



Иш ташлашни мис ишлаб чиқарувчи ходимлар касабани уюшмасининг маҳаллий бўлими ташкил этди. Касаба уюшмадагилар ҳукуматнинг тармоқни ва мазкур компанияни қисман хусусийлаштириш иш ўринларининг кескин қисқартирилишига сабаб бўлишидан хавотирга тушгани учун бу тадбирни уюштирдилар. Хабарларга кўра, ишловчи амалга ошса, компанияда 2600 нафар ишчи-ходим ишдан кетиши мумкин.

Бор-йўғи бир кунлик оммавий иш ташлаш оқибатида «Codeico» компаниясининг 41 миллион АҚШ доллари миқдоридан зарар кўргани айтилмоқда.

Интернет хабарлари асосида Ситора ВАЛИКУЛОВА тайёрлади

Митти мамлакатлар

КОКОС ОРОЛИ



Ҳинд океанида жойлашган Кокос ороли 27 та халқ шаклидаги ороллардан иборат. Бу худуд Австралияга тегишли. Кокос оролининг умумий майдони жуда ҳам кичкина — 14 кв.км. 2009 йилга келиб бу худудда бор-йўғи 596 киши яшаган. Бундан кўри-ниб турибдики, Кокос ороли энг кам аҳоли яшайдиган мамлакат ҳисобланади.

ГИБРАЛТАР



Буюк Британиянинг мулки ҳисобланган Гибралтар Пиреней яриморали жанубида, денгиз соҳилида жойлашган. Унинг майдони 6,5 кв.км. бўлиб, аҳолиси тахминан 28000 кишидан иборат. Гибралтар қуруқликда Испания билан чегарадош. Қолган қисми Урта Ер денгизи, Гибралтар бўғози ва Атлантика уммонига туташ. Уни инглизлар «Мавритания қалъаси» ҳам деб аташади. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, бу мамлакатда Осиёда мавжуд бўлмаган ёввойи маймунларнинг кўпгаб турлари мавжуд.

Яриморалда аҳоли анча зич яшайди: бир квадрат километрга тўрт минг киши тўғри келади. Аҳолиси асосан италиянлар, инглизлар, испанлар ва португаллардан иборат. Расмий давлат тили инглиз тили ҳисобланади.


Сайёҳлик, молия ва банк тармоғи, кemasozлик мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади.

НАУРУ



Науру Республикаси Тинч океанининг гарбий қисмида жойлашган. Бу мамлакат дунёдаги ягона энг митти мустақил республикадир. Наурунинг умумий майдони — 21 кв.км. 2009 йилга келиб бу ерда 14 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилган.

ТУВАЛУ



Бу давлат тинч океанининг жануби-гарбида жойлашган. Тувалуда 9 та халқ шаклидаги орол мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони 26 кв.км.дир. Бу ерда тахминан 12 минг киши истиқомат қиладди. Шунинг ҳам инобатга олиш жоизки, Тувалу яна бир ўзига ўхшаган — Тоқелау мамлакати билан чегарадош.

Шаҳина ОҚИЛЖОНОВА тайёрлади

Инсон ҳамиша ўзини ўраб турган муҳит таъсирида бўлади. Ташқи дунёни кўради, турли овозларни эшитиши, одамлар билан мулоқотда бўлади, воқеаларга баҳо беради ва шунга қараб ҳаракат қилади. Қисқаси, ташқи муҳитнинг инъикоси одам миёнада қабул қилиниб, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис қилиш жараёнларининг ҳосилини ҳисобланган таҳдиддан сўнг қарор чиқариш жараёни содир бўлади. Чунки бош мия ташқи дунё билан ҳаётини аҳамиятга эга анализаторлар орқали боғланган ниҳоятда мукаммал тузилмаларга эга. Маъруз тузилмалар ўзаро боғлиқлигига қарамай, бири-бирдан мустақил ҳолатда иш бажаради. Тасаввур қилинг: бир пайтда кўриш, эшитиш, сезиш орқали воқелик ҳақида ҳулоса чиқариш нақадар мураккаб жараён бўмасин инсонга оддий ҳол бўлиб кўринаверади.

Қалб ишончга тўлганда

Маълумки, ҳар бир одам орзу билан яшайди. У эртанги ҳаёти порлоқ бўлишига ишонмасга тушкунликка тушади, мақсадсиз яшай бошлайди. 9 ёшимда отадан ажраганман. Шукурлар бўлсинки, волидаи муҳтарамам бугун 91 баҳорни қаршилаётимлар. Хурмат-этибори жойида. У киши бизни боқиб учун 40 йил юк машинаси ҳайдовчиси бўлиб ишлаганлари, менинг фарзанд сифатида уй ишлари билан машғул бўлганим, аммо аъло баҳоларга ўқиб, ўрта мактабни "олтин медаль" билан битирганим ва ТошМини имтиёзли диплом билан тугатиб, бугунги кунда тиббиёт соҳасида фан доктори, профессор унвонига сазовор бўлганим 64 йиллик умрим давомида кўрган-билганларим баён этмоқчи бўлган фикрларимни исботлайди. Бундан 20 йил муқаддам Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқимиз кўксига озодлик шамоли тегиб, руҳимиз энгил тортиди. Такдирини ва келажакни ҳал қилиш имконияти вужудга келди. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, мана шу истиқлол туфайли мен ва ҳамкасбларим Англия, Франция, Австралия, Португалия, Бельгия, Таиланд, Покистон давлатларида ўтказилган бутун дунё илмий конгрессларида иштирок этганимизда, у ерларда Ватанимиз шаънига миллий байроғимиз кўтарилганда чексиз-чегарасиз ҳаяжонланганимизни таърифлаш кийин.

Ўзбекистон қисқа даврда дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топгани тарих зарварларига битилди. Халқни ўз ортидан моҳирона эргаштириш, буюк келажак сари қўриқиб раҳбар ўзида аввало юксак донишмандлик, ақл-заковат, шунингдек, ўз шижоати билан барчага ўрнак бўладиган фазилатларни мужассамлаштиради. Ўртбошимиз шундай йўлни ўзига маёқ қилди. Қаранг, қисқа йиллар мобайнида, бор-йўғи 20 йил оралиғида мамлакатимиз иқтисоди, халқ фаровонлиги ижобий томонга кескин ўзгарди. Агар ўтган асрнинг 80-йилларида бургина тиббиёт илмида мавжуд бўлган қийинчиликлар мени айнан Москва шаҳарининг иқтисодиёти тараққиётини тасвирлашда докторлик диссертациясини ёклашимни тасвирлашда асаб касалликларим бўйича махсус илмий кенгашининг мавжуд эмаслиги бунга сабаб бўлган эди. Етти йил мобайнида мусофирчиликда ўз мутахассислигимга тегишли барча илмий текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олийгоҳларида мураккаб йўлни босиб ўтиб, икки мутахассислик — "Гигиена" ва "Неврология" фанлари бўйича докторлик диссертациясини ёклашимга тўғри келди. Бир вақтнинг ўзида Москва шаҳарининг икки катта илмий даргоҳига ишлашга тақлиф тушганида мен ўз халқимга хизмат қилиш учун Ватанимга қайтман, деб аҳд қилдим. Истиклолнинг биринчи кунларидан мен қалбим билан Президентимизга ишон-

дим. Чунки у кишидаги шижоат мамлакатимиз келажак сари қўйлаётган қадамлар биз илм аҳлига руҳ бағишларди. Мамлакатимиз ўтган йиллар мобайнида улкан қурилиш майдонига айланди. Нафақат Тошкент шаҳри, балки барча вилоятлар, ҳаттоки қишлоқлар улғурвор ва гўзал иморатларга, йирик sanoat корхоналарига, спорт иншоотларига, лицей ва коллежларга эга бўлди. Келажакка ишонч нафақат давлат тараққиётида, аҳолининг иқтисодий юксалишида, фаровон, тўқ турмуш вужудга келишида, илм-фан ривожланишида, балки сиёсий барқарорликда, осмон мусаффолиги ва тинчликни сақлашда асосий ўринни эгаллади. Бир овдан кўркмасдан яшаш, ярим тунда ҳам мамлакатимизни хоҳлаган жойида ёлғиз юриш мумкинлиги, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи тизим яратилгани ҳар бир фуқарога эркинлик шароитини туғдирди. Ўзбекистонимизда изчил олиб борилган ислохотлар натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Мен ҳизмат қилаётган олий тиббий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида ҳам улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Жумладан, умумий амалиёт шифокори институти, қишлоқ врачлик пункти тизими, республика оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, шошилинч тиббий ёрдам маркази ҳамда барча вилоятларда унинг филиаллари яратилгани аҳоли саломатлигини тиклашда, шунингдек, яшаш сифатининг кескин я-

шиланишида тараққий этган мамлакатлар даражасига чиқишга асос бўлди. Қадрларни танлаш ва ўз ўрнида ишлатиш сиёсати Ўртбошимиз томонидан адолат билан амалга оширилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, минтақамизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, иқтисодий янада либераллаштириш, бозор инфратузилмасини барпо этиш орқали, аҳоли даромадларини узлуқсиз ошириб бориш, давлатимизга жаҳон молиявий-иқтисодий инкиррозининг салбий таъсирига имкон қадар қамайтириш каби улғурвор вазифалар Ўртбошимиз ташаббуси билан ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилган ишлар кўламининг самарасини дунё миқёсидаги эътирофлардан ҳам билса бўлади. Келажакни кўра билиш, унга ишониб одамнинг куч-гайратини оширади, қийинчиликларини энгиб ўтади. Мамлакатимиз истиклолнинг 20 йиллигини қаршилаётган шу кунларда бу сўзнинг маъноси янада чуқурлашади. Мен мамлакатим билан, унинг фидойий фуқарolari билан, Ўртбошимиз билан гурурланишга ҳақлиман.

Мақсуд АСАДУЛЛАЕВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор



ОНА – ВАТАН ТИМСОЛИ

Халқимиз томонидан оила орномус, садоқат ва муҳаббат кўргони сифатида азал-азалдан муқаддас саналади. Шундай экан, оилани муқаддас билиш, Ватанин севиб энг улғур фазилат ҳисобланади. Бу фазилат бугун ўзбекистон миллий қадриятларидан бири сифатида жамиятимизда мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бугун жамиятимиз ривожига ҳам, оилада ҳам онанинг ўз ўрни бор. Ўзбек аёлининг ижтимоий фаоллашуви халқимизнинг кўхна тарихи, шарқона сийрати, маънавий-ахлоқий олами миллий қадриятларимиз билан муштарак. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан оилаларга алоҳида гамжўрлик, кўргонинг устуни бўлган аёлларга эса алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. «Онани эъзозлаш — бизнинг халқимиз учун қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улғурласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз», дея эътироф этган Ўртбошимиз, аввало, жамиятда оила мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлашга, соғлом, ҳамма оилада гамжўрлик, кўргонинг устуни бўлган аёлларнинг ролини кучайтириш масалаларини қамраб олган. Ҳа, бетакрор нафосат соҳибалари бўлган оналаримиз тимсолида жонаҳон Ватанимизни кўраимиз. Оналар — ўзларнинг гамжўрлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадиган тарозидир.

Баҳора РАҲМОНОВА

Нодир чолғулар

Миллий музикаий чолғулар тарихи узоқ ўтмишга бориб таъалади. Чолғу ижрочилиги санъати аждодларимиз томонидан асрлар давомида ноёб эстетик восита сифатида эъзозлаб келинган. Музика техникалари ривожланиб, бугунги кунда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган асбоб-ускуналар яратилаётган бўлса-да, "Музикаий чолғулар музейи"дан жой олган созлар, ноёб экспонатларнинг сазри кишини беихтиёр ўзига ром этади.



Турли шаклдаги ноёб музикаий созлар сақлаб келинаётган бу музей томошабинларни, мутахассислар ва албатта, хорижлик меҳмонларни ҳам буюк алломаларимиз таърифлаган, ўзлари ижро этган ҳамда тақомиллаштирган музикаий асбоблар, созлар, уларнинг турлари, яратилиш жараёни ва ривожланиш тарихидан бохабар этиб келмоқда. Музейда ўзбек халқ чолғуларига оид барча тарихий маълумотлар, шу кунгача йилгилан музикаий асбоблар, созлар ноёб экспонатлар сифатида авайлаб сақланмоқда. Қолаверса, аънавий ҳамда замонавий ижрочиликка мослаштирилган, янгитдан яратилган чолғулар ҳам бу ердан жой олган. Бугун ажнабий мутахассисларнинг миллий меросимизга, қолаверса, музикаий чолғуларимиз ва музикачиларимизнинг ижрочилиги санъатига бўлган қизиқчиликлари тобора ортиб бораётгани сир эмас. Бу, ўз навбатида, дунё бўйлаб сайёр кўргазмалар ташкил қилишни тақозо этади. Шунингдек, музикаий чолғуларимизнинг ранг-баранг турларини ўз ичига олган каталогларни нашр этишга ҳам эҳтиёж катта.

— Бу музейнинг Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида иш бошлаганига етти йил бўлди, — дейди "Миллий чолғу" илмий ишлаб чиқариш лабораторияси директори, санъатшунослик фанлари номзоди Азатгул Тошматова. — Республикаимиз маданий ҳаётида янгилик бўлиб ўшбу музей фаолияти Ўзбек музика ижрочилиги санъатини ўрганиш ва унинг келгуси ривожини учун шарт-шароит яратишга, музика фани ва амалиёти ривожига туртки бўлди, дейиш мумкин. Мазкур музейдаги осори-атиқалар 1943 йилда консерватория қошида ташкил этилган "Миллий чолғу" илмий ишлаб чиқариш лабораторияси ходимларининг саъй-ҳаракати билан тўплана бошлаган. Чолғу асбобларини йиғиш ташаббуси бугунги музейнинг барпо этилишига асос бўлган. Лаборатория мутасаддиларининг вазифаси миллий чолғуларни йиғиш, уларнинг овоз таровати ва тембр хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда ижрочилик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда замонавий ижро стандартларига мослаштиришдан иборат бўлган. Қўриб турганингиздек, музика чолғулари юқори малакали моҳир усталар томонидан яратилган. Чолғуларни замонавий ижрочилик талабларига мослаштиришнинг илк қадамлари (тажрибалари) XX асрнинг 20-30-йилларига тўғри келади. Бу режани би-

ринчи бўлиб тошкентлик машҳур санъаткор Шораҳим Шоумаров, хоразмлик устоз соҳанда Матюсоф Харратов, тошкентлик машҳур музикаий чолғулар устаси Усмон Зуфаров амалга оширган. Уларнинг вазифалари музикаий созларнинг овоз жарағдорлигини ва хос пардалар ёрдамида чолғу диапазолини (энг паст товушдан энг юқори товушгача бўлган оралик) кенгайтиришдан иборат эди. Усмон Зуфаров биринчилардан бўлиб паст регистр(парда)ли чолғуларга асос солган. Ўзбек музика чолғулари миллий маданиятимизнинг ноёб хазинаси ҳисобланади. Улар ранг-баранглиги ва турларининг кўплиги билан дунё халқлари эътиборини тортиб келади. Хусусан, ҳозирги кунда миллий чолғуларимиз асосан уч гуруҳга бўлинади. Булар дамла, зарбли ва бошқа турли чолғулардир (торли чолғулар, ўз навбатида, торли-урма, торли-чертам ва торли-камонли созларга бўлинади). Ўртимизда дамла, зарбли ва торли чолғуларнинг барча турлари амалда кенг қўлланилади. Бизда, айниқса, дамла ва зарбли чолғулар муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг иштирокисиз бирон-бир оилавий маросим, байрам тантаналари ва халқ сайилларини тасаввур этиш қийин. Бу чолғулар байрамона рух, шоду хуррамик, кишиларга яхши кайфият бағишлайди.

Лутфия СУЯРОВА

Музейга саёҳат

Гиёҳвандлик — иллат

"Кайф-сафоли ҳаёт" чўққиси — гиёҳвандлик умуминсоний қадриятларини поймол этиб, XXI аср бошига келганда тарих қатларига қузатилмаган янги бир дард — ОИТСни келтириб чиқарди. Бу касаллик тез суръатлар билан тарқалиб, бугун инсоният уни "Аср вабоси" деб атамоқда. Бугун унга қарши бир киши, бир мамлакат, бир ҳудуднинг эмас, балки бутун инсоният, бутун жаҳон жамоатчилиги курашиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

ОҚ АЖАЛ ИСКАНЖАСИДА

Давлат ва жамоат арбоблари, жаҳон ҳамжамияти намояндalari тинчлик, тараққиёт ва халқаро хавфсизлик масалаларини муҳокама қилиш учун кўпинча Тошкентга тўпланишлари биз учун ифтихорли анъанага айланди. Бу мустақил Ўзбекистон, унинг глобал жараёнлардаги нуфузини, долзарб халқаро муаммолар, чунончи, наркотик моддалар ноқонуний тарқатилишининг олдини олиш, бу борада халқаро ҳамкорлиқни фаоллаштириш, ахборот алмашинуви ва махсус операцияларни самарали мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш масалаларини ҳал этишга қўшаётган муносиб ва салмоқли ҳиссасининг эътирофидир. Бугун жаҳон миқёсида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қарамадан гиёҳвандликнинг хуружи ҳамон сусаймаётди. Бугун шу нарса аниқки, унинг кенг тарқалиб боришидан турли уюшган жинсий гуруҳлар, трансмиллий синдикатлар ниҳоятда манфаатдор. Шунинг ҳисобига олиб, 1998 йили БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессияси чақирилди, гиёҳванд моддалар билан боғлиқ муаммолар қизгин муҳокама қилинди. Хўш, муаммонинг илдилари қаерда? Бу балои офат илдиларини кўриштириб, инсоният бошидаги машъум қора қўлангани кўтариб ташлаш шунчалик мушкулми? Гиёҳвандликнинг "алифбоси"ни нималар ташкил этади? Гиёҳванд моддалар тайёрланадиган ва энг кўп тарқалган ўсимлик — наша дегарли барча мамлакатларда ёввойи ёки маданий ҳолда ўстирилади. Ундан тайёрланган гиёҳванд моддаларни ҳозирги кунда қурраи заминимизнинг 200 миллиондан ортиқ аҳолиси истеъмол қилади. Бошқача қилиб айтганда, бугун ер юзида яшовчи ҳар 10 миң одамдан 25 нафари сурункали нашаванд. Уларнинг 70 фоизини 30 ёшга тўлмаган йигит-қизлар ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, жаҳон ҳамжамияти хуфёна синдикатларга қарши тобора самарали курашаётди. Афсуски, наркотиклар билан боғлиқ вазият бугунги кунда ҳам Марказий Осиёда мураккабланиб кетмоқда. Афғонистон ҳамон гиёҳванд мод-

далар етиштирувчи йирик марказ бўлиб қолаётган. Бу ҳолат жаҳон ҳамжамиятида, айниқса, кўшни мамлакатларда алоҳида ташвиш туғдираётди. Мамлакатимизда наркотик моддаларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва истеъмол манзилларига етказиб берилишининг олдини олишга қаратилган тезкор тадбирлар изчил ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 30 апрелда қабул қилган қарор бу ҳаракатларга, шунингдек, наркотик моддалар ва психотроп воситаларнинг ноқонуний айрилишига қарши тадбирлар дастурини амалга оширишни тезлаштирди. Хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мутасил амалга ошириб келаётган махсус "Қорадор" тадбирлари бирмунча самарали тус олди. — Янгийўлга Тошкент шаҳридан келин бўлиб тушганим, — ҳикоя қилади ёшгина жувон. — Эрим ҳайдовчи, олис-олис юртларга юк таширди. Қайнона-қайнотам инсофли, дёнбатли одамлар эди. Иш, уй юмушлари билан бўлиб вақт ўтганини сезмас, эримнинг хориж йўлларига эсон-омон юришини Яратгандан тилаб тонг ортирардим. Лекин кўп ўтмай, ҳайдовчи эр оғир шомоллаб, юқори ҳарорат билан Янгийўл касалхонасига тушиб қолди. Икки кун ичида уни бошқа касалхонага ўтказишди. — У геронинга ружу қўйганини, аллақачон ОИТСга чалинганини дўхтирлардан эшитдим, — ҳикоясини давом эттиради аёл. — Мени ҳам текшириб шу бедаво дардини юқтириб олганлигини айтишди. Бир соғинда бугун ҳаётим, орзу-умидларим саробга айланди-қўйди. Бедаво дардга чалинганимни айтишганида олти ойлик ҳомилам бор эди. Дўхтирлар обдон текширишди. Хайриятки, касаллик вирусидан ҳоли экан. Мени ҳаётга, яшашга таллинтириб турган шуъла мана шу... Гиёҳвандлик иллатидан бугун бутун жамият жабр чеқмоқда. "Оқ ажал" хуружини, ундан сақланишни ўрганмай туриб, онгли, баҳамжикхат ҳаракатларсиз бартаф қилиб бўлмади. Азалий ҳақиқат бу ўринда ниҳоятда долзарб: касалликдан кўра, унинг олдини олган осон. Ҳам осон, ҳам ишончли. Вақт ўтгандан кейинги пушаймондан асло наф йўқ.


Жўра САЪДУЛЛАЕВ

МАЪНАВИЯТ

Биз ўқийдиган китоблар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйи арафасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур "Бобурнома" асари озарбойжон тилига таржима қилиниб, чоп этилди

"БОБУРНОМА" ОЗАРБОЙЖОН ТИЛИДА



Ўзбек ва озарбойжон халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари, маданий-маърифий, адабиёт соҳаларидаги ўзаро алоқалар чуқур илдирига эга. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида халқимизнинг бебаҳо мероси — "Бобурнома"нинг озарбойжон тилига таржима қилиниши икки халқ ўртасидаги биродарлик ришталари нақадар мустаҳкам эканининг яна бир ёрқин далилидир.

Халқимизнинг бой маданий мероси, айниқса, буюк аждодларимиз Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби кўлаб алломаю мутафаккирлар томонидан яратилган ноҳир, бебаҳо асарлар жаҳон тараққиётига, илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшган, инсоният тафаккурининг юксалишига хизмат қилган.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида илмий-ижодий фаолияти, ҳаёти билан бутун оламга маълуму машҳур боболаримизнинг муборак номи лар улуғдан, мақбаралари тиклиниб, қўлғу зийратгоҳларга айлантирилди. Бетақрор асарлари ҳақиқий баҳосини топиб, нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек давлатчилиги тарихи, қатор юртларнинг ўша даврдаги географияси, табиати, этнографиясига оид кўплаб маълумотларни ўзида мужассам этган "Бобурнома" асари ўзининг илмий аҳамияти билан дунёда шухрат қозонган. Шу боис мазкур асар жаҳоннинг 30 дан ортқ тилларига таржима қилинган.

"Бобурнома" Озарбойжон Миллий фанлар академияси фольклор институти олими, филология фанлари доктори, профессор Рамиз Аскер томонидан озарбойжон тилига таржима қилиниб, Бokuда нашр этилди.

Президентимиз Ислоом Каримов "Бобурнома"нинг озарбойжон тилидаги нашрининг ўзига соғва қилинган нусхасини Андижондаги "Бобур ва жаҳон маданияти музейи"га ҳада қилди.

Шу муносабат билан ўтган тадбирда адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда "Бобурнома"нинг тарихий-илмий аҳамияти, миллий давлатчилигимиз тарихи, Ўзбекистон ва Озарбойжон адабий жамоатчилигининг дўстона алоқалари, шунингдек, Халқаро Бобур жамғармаси ҳамда илмий экспедицияси томонидан юртимиз тарихи, Бобур ва бобурийлар сулоласига оид маълумотларни жамлаш борасида олиб борилаётган ибратли ишлар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, УзА мухбири

Фикр ортидаги қалб

"Саҳна маънавияти" китоби туфайли соҳа ҳақидаги фикрларим, тушунчаларим ўзгариб кетгани. Вақт ўтган сари сезяпманки, унда учратган ҳақиқатларнинг айримлари ўзим сезмаган ҳолда ўзлимизнинг бир парчасига айланиб бўлибди.



У тўпламдаги мақолалар боис адабиётшунос Шухрат Ризаев ижодининг ўқувчиси айланганимга ҳам ўн йилдан ошди. Билмадим, уни ўз вақтида ўқимаганимда Римма Аҳмедова дунёсига қириб боришга улгуролмаган, Баҳоидир Йўлдошев сабоғидан баҳра олиш ҳаёлимда ҳам бўлмаганидир. Балки таянчини тополмаган ўй-хаёлларимни ҳамон йиғолмасимдир... Эслайман, актриса ўзи ҳақидаги мақолалар орасидан айнан "Ўзини сарфлаш санъати"ни айрича меҳр билан тилга оларди: "Кўпгина мақолалар-суҳбатлар шу қадар "шаблон"ки, "умуммулкка" айланган таърифу тавсифлардан, улғуржи баҳолардан иборат бўлади. Маҳоратли актрисадан бошланиб "бетақрор ижро соҳиби" билан тугайди. Менга ишлатилган сифатлардан бемалол бошқа актёр-актрисаларга ҳам ҳиммат кўрсатишнинг мумкин. Бироқ Шухрат матн тағида ҳар қанча китмилик қилмасин, унинг қаҳрамонига нисбатан тугал фикри сезилмайди туради". Муаллиф поэтик тил билан санъатушунос нигоҳи уйғунлашган бу мақоласида актриса руҳияти ва ижодини ягона яхлитликда кўриб, унинг санъатдаги қисматини тадқиқ қилади.

Сир эмаски, ақсар портрет-мақолалар ё илмий атамалар йиғиндиси айлиниб кетади, ё маълум бир сана муносабати билан ёзилган мавсумий ҳисоботга ўхшаб қолади. Хоҳлайсизми-йўқми, ҳар қандай ижодий ишда субъект иштирок этиши керак. Ҳар ким ўзининг савқи табиийси, диди, шу вақтгача йиғилган илми, шаклланган дунё қарашидан келиб чиқиб фикр юритади. Шу боис, фикрлар хилма-хил бўлиши табиий. Лекин ўзидаги фикрни, дардини юктириши ҳамма ҳам эллай олмайд.

Шухрат Ризаевнинг "Сурат ва сийрат чизгилари" (Ўзбек санъати намоёндаларининг ижодий портретлари ва эсселардан иборат, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2010 йил) китобини ўқиб чиқиб, яна бир қарра, муаллиф шахсияти фақат эркин ифодаланган фикрлардагина бўй кўрсатиши мумкинлигига ишондим. Йўқса, у бор йўғи воқеалар солномачиси бўлиб қолавераркан. Шу учун ҳам тақризларнинг, ижодий портретлару тадқиқотларнинг, ҳатто ёдномаларнинг ҳаммаси ҳам ўқилиб бўлмайди.

Хўш, қаҳрамон ҳақида қанча янги сўз айтиш мумкин, қачонки, қалам соҳиби унинг сийратига сайр этиб, дардларини англаганда. У қанаканги мавқеда туришидан қатъи назар, сониялар эвазига бўлса-да, руҳ У билан бўйлашиб, тўқнашиши керак. Фаридиддин Аттор айтиди: "Мардлар дарди не эканини англашнинг ўзи мардликдир!" Ўша англаш дардини бўямасдан, бежамасдан самимий ифодалаш учун ёзаётган сўзинга ўзинг ҳам лойиқ бўлишинг керак. Шухрат Ризаев қаҳрамонлари суратини чизиш асносида, сизни уларнинг руҳий тугёнлари билан юзлаштиради. Фақат қаҳрамон билан эмас, муаллифнинг ўзи билан ҳам таърифлик бўлиб туради. "Бунинг исботи аён — Аристотелдан Сент Бёвгача, Белинскийдан Лев Аннинскийгача ва ҳоказо, ўзимизга яқинроғидан айтсак, Иззат Султондан Озод Шарофидиновгача. Улар ҳиссий-инсоний муносабатини яширмайди ва ҳатто ўзини сира чекламайди ҳам" деб ёзади. Ва олимнинг куйидаги фикрини келтиради: "эстетик бойликни мукамал ҳис қилгандагина (урғаниш, тадқиқ қилиш эмас) санъат асарини тўғри баҳола олиш мумкин". Айнан шу фикрни Ш.Ризаев ўзининг ижоди билан ҳам тасдиқлаб келяпти. Муаллиф устоз олимнинг "Гамлетнинг қайтиши" деб номланган тақриз-мақоласи

сиятидан излайди. Сиз ўзингиз таниган, билган инсонлар билан бошқатдан танишиб, шу пайтгача номаълум бўлган қирраларидан бохабар бўлиб борасиз.

Давр — шахслар тақдирини ортида бекинган тилсимот. Мирзо Улуғбек номининг ўзи бизга XV аср Мовароуннаҳрнинг машҳур қисматини эслатади, ҳазрат Навоий эса қисқа вақт маданият масканига айланган Хуросон ва теурийода-лар инқирози палласини ёдга солади. Кўкун адабий муҳити ва уч хонлик даврининг қора кунларини Моҳларойим Нодира қисмати орқали биламиз. Ёки ўттизичи-олтмишинчи йиллар адабий муҳити ҳақида нималарнидир билмоқчи бўлсангиз, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ҳаётини ўрганишга тўғри келади. Шунингдек, биргина Баҳоидир Йўлдошев ҳақида ёзилган ижодий портрет орқали бу санъаткор ортида ўзбек театр санъатининг ўттиз йиллик ўнқир-чўнқирли, мураккаб тарихи, юлдузли онлари ва тўфонлари ётганига амин бўласиз.

Риҳис Иброҳимов ҳақидаги салмоқлигина мақолада актрисанинг ўттизчи баҳонасида миллий театр тарихига, саҳна орти машаққатларига яна бир қур кўз югуртириб чиқилса, бугун устозлик рутбасига кўтарилган Муножот Йўлчиева ижоди билан боғлиқ ўйлар бошқаларига қараганда ижтимоий аҳамияти билан ажралиб туради.

Адабиётшунос Озод Шарофидинов ҳақида кўп ёзилган. Шухрат Ризаев "буюк ҳаётсевар" деб таърифланган мунаққиднинг ижодий позициясидан келиб чиқиб "танқид — руҳий-интеллектуал таъсир кўрсатишнинг муҳим бир тармоғи" деган фикрини айтиди, айнан Озод Шарофидиновдаги ўзига хосликни кутулмаган ахтирослардан излайди. "Бунинг исботи аён — Аристотелдан Сент Бёвгача, Белинскийдан Лев Аннинскийгача ва ҳоказо, ўзимизга яқинроғидан айтсак, Иззат Султондан Озод Шарофидиновгача. Улар ҳиссий-инсоний муносабатини яширмайди ва ҳатто ўзини сира чекламайди ҳам" деб ёзади. Ва олимнинг куйидаги фикрини келтиради: "эстетик бойликни мукамал ҳис қилгандагина (урғаниш, тадқиқ қилиш эмас) санъат асарини тўғри баҳола олиш мумкин". Айнан шу фикрни Ш.Ризаев ўзининг ижоди билан ҳам тасдиқлаб келяпти. Муаллиф устоз олимнинг "Гамлетнинг қайтиши" деб номланган тақриз-мақоласи


ҳақида шундай ёзади: "У мақолани спектаклга бағишламоқчи бўлади. Шундай қилади ҳам. Аммо уни томошадан кўра Шекспирнинг ўзи, унинг даҳоси яратган асар матни кўпроқ тортиб кетаверади. ...Гамлетни "теран бир файласуф, зўр ақл-заковат эгаси" дея таърифларкан, шундай кўламли бир фикрни илғори суради: "Эҳтимолки, бутун жаҳон адабиётда кенг расм бўлган интеллектуал қаҳрамон образини илк бор Шекспир яратган бўлса ажаб эмас". Бироқ муаллиф учун бу фикр баҳсли туолади. У ҳаёлан Шекспиргача бўлган дунё адабиётига сайр қилиб, шубҳасиз, Гамлет мисолида янги инсон — интеллектуал қаҳрамонни қўради. Лекин унинг кўксидан бир ном отилиб қақди — Шекспир даҳосидан роғла-росса бир аср олдин яратилган ҳазрат Навоийнинг Фарҳоди-чи! "Ахир, унинг Фарҳоди интеллектуал қаҳрамоннинг Шарқ мисолидаги намунаси, мезони эмасми?! Агар Озод домла айтмоқчи, Гамлетнинг интеллектуаллиги "бир-икки монолоғида, баъзи бир диалогидеда ёрқин ифодаланган бўлса, Фарҳоднинг ақлий салоҳияти унинг ёрқин ҳаёти, фаолияти, кечмишлари мисолида яқол намён-ку!" Муаллифнинг бу мулоҳазалари бизга "Афлотун дўстим, лекин..." деб бошланувчи ҳикматини ҳам ёдга солади.



Хаётда, айниқса, санъат ва адабиётда — манфаату нуфузалар тўқнашадиган ҳудудда бундай ҳикматларга амал қилиш қийин кечади. Лекин "Сурат ва сийрат чизгилари" каби китоблар ёзилаётган экан, биз адабиётшунослардан ҳали кўп ҳақиқатларни, оҳорли фикрларни умид қилиб қоламиз...

Иқбол ҚУШШАЕВА

Ҳамкасбимиз Замира опа олиб келган анжир мураббоси бир воқеани эсимга солди.



Ушанда анжир фарқ пишган маҳал эди. Ишга сал кечикдим. Кўчамиз маҳалла ичкаривоғида бўлгани боис катта йўлгача яёв чиқардик. Бир пайт аёл кишининг бақир-чақирини эшитиб қолдим. Ҳамкасбимиз Замира оланинг уйи олдида унинг қўшини Холида опа эрталабдан тўполон кўтариб, бу оила шаънига қаттиқ-қурим гапларни айтиб, ҳақоратларди.

— Ҳей, яшшамагур чўлок (Замира опа хиёл оқсарди)! Олдинлари болаларинг ўғирлик қилавериб жонинга текканди, энди келиннинг ҳам қинғирлиқни ўргатибсан-да?! Бировнинг ҳақини егандан кўра, ҳар нарса бўлганинг яхши!.. Афтидан кўни-қўшинлар Холида опанинг феълини билди, шекил-л, ҳеч ким жанжалга аралашмас, жазаво эса, борган сари авжига чиқарди.

Замира опа билан бир жойда ишлаймиз. Бамаъни аёл. Болалари ҳам эсли-хушли. Улар ҳақида шу пайтгача ёмон гап эшитмагандим. Ҳайратланиб ҳамкасбимнинг ҳовлисига бош сўқдим. Ҳеч ким кўринмасди. «Ким бор?» дедим. Ҳеч қандай сас йўқ. Замира опа ишда, болалари ўқишда бўлса ке-

Қўшнингиз анжир

рак. Шу пайт ичкари хонадан аёл кишининг пиқ-пиқ йиғиси эшитилди. Кирсам, опанинг келини — Дилноза. У хонтахтага бошини қўйиб ўқисиб-ўқисиб йиғларди. Келиннинг ой-қуни яқин, унга асабийлашиш мумкинмас. Тинчлантиришга ҳаракат қилиб, нима гаплигини сўрадим. Дилноза кўз ёшларини артганча воқеани тушунтирди: — Холида опанинг ҳовлисидаги анжир дарахти шохлари девордан ошиб бизникига ўтган, роса мева солибди. Аммо у киши анжир пишмасдан бурун шохларини арқон билан ўзлари томонга тортиргандилар. Шунда ҳам буй бермаган шохларнинг меваларини ҳовлимизга ўтиб териб олиб кетдилар. Бугун ҳовли супураётди, энг тепа шохда қолган икки дона анжирга кўзим тушди. Жуда егим келди. Курсига чиқиб, энди узмоқчи бўлиб тургандим, опа келиб қолди. Сўрамай олганим меннинг хатойим, аммо туғилмаган боламни нега қарғайди?! Дилнозага одам кексайганда кўнгли нозик бўлиб қолишини, бундай пайтда феълни кенг қилиш кераклигини тушунтирдим. Аслида эса баргикенг халқимизда «қўшни ҳақ» деган гап юради. Ёнқичи, девордан ошган мевалар тамомила қўшнингиз ҳақи ҳисобланиб, уни териб олиш дарахт эгаси учун номуносибдир. Қолаверса, томорқада пишиб этилган бошқа ноз-неъматларнинг ҳам бир ҳиссаси қапсан тарихида қўшниларга улашади. Бу азалий қадриятларимиз замирида бир-бирига ҳурмат, қувончу қайғуда ҳамдам бўлмоқчиликдек инсоний фазилатлар ётади. Чунки халқимиз азалдан бир майизни қирқ

Воқеий ҳикоя

бўлиб ёйди, узмоқчи қариндошдан кўра яқинидаги оқибатли қўшнисини афзал билиди. Бундан ташқари, хомилидор аёлни эҳтиёт қилиш, унинг хотири жам, соғлиғи жойида бўлиши учун қайғуриш ҳар бир инсоннинг бурчи эмасми? — Эй, уни гапирманг, — деди меннинг гапларимни эшитган яна бир қўшнимиз Соҳиба опа. — Бад-феъллигидан келинлари билан яшолмади. Биласиз, маҳаллада яраштириш комиссияси аъзосиман. Ана шу хотиннинг қичқина келини кетиб қолганда раисимиз, маслаҳатчимиз, нозиримиз, маҳалла фаоллари билан келинни олиб келдик. Ҳаммамизни ҳақоратлаб, ҳайдаб солди. Келиннинг отаси: «Қизимнинг гапларига ишонмагандим, ҳақиқатни энди билдим. Бундай оилага ташлаб қўядиган қизим йўқ», деб фарзандини олиб кетди.

Бу воқеадан сўнг бир неча кун ўтди. Дилноза паҳлавондай ўғил кўрди. Табиатан ушқоқчақ, гина сақламайдиган Замира опанинг қувончи чексиз. Унинг шу пайтга қадар бировдан ногилганини эшитмаган бўлсам ҳам, қўшнисининг куракда турмас қилиқларидан бирон марта ҳам озис очмагани унга бўлган ҳурматини янада оширар эди...

Қиш кунларининг бирида ишдан қайтиб келаётсам, кўчада югур-югур, кий-чувининг устидан чиқиб қолдим. Маълум бўлишича, Холида

опанинг уйида печканинг носозлиги туфайли ўчқун чиқиб, том ёна бошлабди. Бундан хабар топган қўшиллар ўт ўчирувчилар этиб келгунга қадар олов авж олиб кетмасин, деб ўрни ўчириш пайига тушилибди. Тилсиз ёв билан аёвсиз олишаётган ҳамжиҳат маҳалла аҳлини кузатар эканман, томда Дилнозанинг эри Собиржонга қўзим тушди. У ёнаётган тахтаю шиферларни чопар, пастига улоқтирар, жон-жаҳди билан оловни ўчиришга ҳаракат қиларди. Дилноза ҳам челақда сув таширди...

Ноғохон анжир дарахти тағида ўтирган Холида опани кўриб қолдим. У атрофга аланлар, одамларга ҳадираб қарар, ўзининг қилмишларидан уялгандаими, уйи ёнаётганиданми, кўрс муомалаларига қарамай маҳалладошларининг бир тан, бир жон бўлиб олов билан олишаётганидан таъсирланибми, ҳўнгиллаб йиғларди...

Ёнгиндан келган зарарни қоплаш учун маҳалла аҳли опага катта моддий ёрдам қўрсатди. Кишининг аёзали кўни бўлишига қарамай, ҳашар йўли билан уйи таъмирлаб берилди...

...Ишхонамиздаги мўъжазгина тушлик дастурхонимизга анжир мураббосига тикилиб, хаёл суриб қолганимни кўрган Замира опа кеча уйларига Холида опа келиб, анча вақт сўхбатлашиб ўтирганини, ўзи олиб келган мураббосни қўяди-қўймай ташлаб кетганини қулиб-қулиб гапирди берди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА, журналист

Тарих фани шундай поёнсиз уммонки, унинг сарҳадлари чексиз, мазмуни теран ва улғур. Унинг ажралмас қисмини жаҳон тарихи ташкил қилади. Бугунги кунда ер юзюда 193 давлат БМТ аъзоси бўлиб (аслида Ер юзюдаги мустақил давлатларнинг сони 230 тадан ортқ), уларнинг ҳар бири жаҳон сиёсий майдонида ўзининг муайян нуфузига эга. Беш қитъада жойлашган ушбу давлатлар фаолиятига боғлиқ саналар шубҳасиз қўпчиликни қизиқтиради, албатта.

Жаҳон тарихининг муҳим саналари

Мана шу қизиқш ва эҳтиёжни назарда тутган ҳолда тарихчилар (Қ.Ражабов, Б.Қандов, И.Шоймардонов ва О.Норматов) томонидан «Жаҳон тарихининг муҳим саналари» номли китоб «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, мамлакатимизда чоп қилинган мазкур нашр нафақат Ҳамдустлик давлатларида, балки Осиёда ҳам ягонадир. Илк бор 1987 йилда Францияда шундай китоб нашр этилган.

Китобда XX аср ва XXI аср бошларида жаҳон тарихидаги сиёсий жараёнлар, шунингдек, мустақил Ўзбекистон Республикаси фаолиятини жаҳон ҳамжамияти доирасида ёритишга ҳам махсус қисм ажратилган.

Муаллифлар жамоасининг ўтган йилги чоп этилган «Ўзбекистон тарихи-



нинг муҳим саналари» тўплами ҳам жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинган эди. Унда Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларидан то бугунгича бўлган хронологияси (йилнома-си) илҳам тарзда баён қилинган. Ватанимиз тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар китобхонларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бўла олади.

Ушбу китоблар умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрталарининг талабалари учун ҳам муҳим қўланма саналади. Шунингдек, китоблар материалларидан Ўзбекистон ва жаҳон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Азиза АБДУЛЛАЕВА



Улуғбек ЖўРАЕВ фотозэпиди

Келинчақ

Юдузалари бодраб ётган,
Осмон кета кетгунча.
Орзулари йўл олади
То нурларга етгунча —
Нурли йўлда ҳаёл
сувар келинчақ.
«Ху, ҳилолнинг учларига
тортсамикан беланчақ».
Қалбига монанди қалб,
Типирчилар басма-бас.
Тунарни ёритади,
Ойдин ҳаёл ва ҳавас.
Оппоқ уйлар тизилсин,
Қовжирган лабларда
Меҳр учди унсиз...
Нурли йўлда ҳаёл
сувар келинчақ.

✓ Саҳна

МУҲАББАТНИНГ РАНГИН МАНЗАРАЛАРИ

Ҳаёт ҳамиша равон эмас. Гоҳ сўқмоқлар, гоҳ довлонлар, гоҳ кутилмаган тўсиқларга дуч келамиз. Улар билан андармон бўлиб, баъзан умр ўтиб кетаётганини ҳам сезмай қоламиз. Вазифамиз нима-ю бахтимиз қаердалигини англаб-англамай яшаймиз.

Бахтнинг миллати ҳам, тили ҳам бўлмайди. БАХТ ўзлигини ҳис қилганларгагина буй кўрсатади. Ана шу ички туйғу, ботиний сезим башариётни бирлаштириб турган бўлса ажаб эмас. Миллий театр саҳнасидаги улкан мониторда алмашинаётган тасвирларни кузатар эканман руҳим ором олди. Хаёлларим шунчалик узоқлашдики...

Рассом ҳовучидаги қум зарраларини маҳорат билан совириб ўзига хос муҳаббат достонини яратаяпти. Мусиқа ритми ва саҳнадаги пластик ҳаракатлар бир-бирига монанд. Ана шу уйғунлик туфайли томошабинлар бир дам сўзсиз саҳна асарни қаҳрамонларига айланишган.



Ўзбек театр саҳнасида илк бор тасвир имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда саҳналаштирилган «Қумда севги жилолари» спектакли рамзлар ва шартлиликка бой бўлиб, Инсон ва Шайтон ўртасидаги ўта мураккаб ва боқий кураш манзараларини ўзига акс эттирган. Икки севишган қалб муҳаббат шаробидан сармаст юрган гўзал лаҳзаларда Шайтон гайрилик ва ҳасад билан қизни ўғирлаб кетади. Ғамга чўккан Йигит маҳбубаси васлига эришиш учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтади.

Бир пардали спектаклнинг ҳар бир кўриниши бастакор мусиқаси асосига қурилган бўлиб, актёрлар ҳаракати экранда рассом томонидан тўтовсиз қумда чизилаётган тасвирларга уйғунлашиб кетган. Спектакль давомида тасвир ва ҳаракатлар шу тарзда қаҳрамонлар ички олами очиби беришга хизмат қилади.



Ритм шиддати, тасвир гўзаллиги, либослар жозибаси ва мусиқа рангбаранглиги томошабиннинг диққатини бир нуқтада жамлаб, уларнинг тафаккурини янгилаб боради. Ижодкорлар спектакль гоёсини турли рамзлар ва шартлиликлар асосида ифодалаб, томошабинни беихтиёр ўйлашга мажбур этади. Ҳар бир кўринишни томошабинлар ўз кечмиш-кечирмиши, ғаму қайғуси ва қувонч-ташвишига мос тарзда тушунаверади. Ўзбек Миллий академик драма театрида намойиш этилаётган мазкур пластик композиция театрининг жон



рий мавсумдаги тўртинчи янги саҳна асари бўлиб, Абдулазиз Раҳматов либреттоси ҳамда таниқли бастакор Султонали Раҳматовнинг бетакрор мусиқалари асосида Ўзбекистон санъат арбоби, истеъдодли рассом Бахтиёр Тўраев иштирокида саҳналаштирилган. Образлар қиёфасини очиб беришга қаратилган либосларни ёш дизайнер Лобар Маматқулова, жўшқин ва ажойиб рақсларни эса балетмейстер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Амина Бобожонова театр саҳнасида илк бора одатдаги ҳаракат, мусиқа ва ёруғлик воситаларига қўшимча тасвир бирлиги киритилди ва уларни бир-бирига уйғунлаштиришга ҳаракат қилинди, — дейди муаллиф Абдулазиз Раҳматов. — Қаҳрамонлар ҳолати ўз мазмунига эга, сўзлар ўрнига мусиқа ва тасвир, актёрларнинг маҳоратли ижроси ишоралари сўйлайди. Қўёш, Ой, кабуларлар, оққушлар, капалаклару алвон атиргуллар барчаси елкасида муайян маъно кўтариб юрвчи рамзлардир. Севгилисидан ажралиб қолган Йигит дарёю тоғларни, боғлару чўлларни кезиб, Шайтоннинг ҳар қандай макру хийлаларига қарши муттасил ва иродали курашиб, ўз маҳбубасини топади ва бахтга эришади. Зеро, курашдан тоймайдиган инсон, машаққат ва синовлардан кўркмайдиған киши ҳамиша ғолиблик нашидасини суради.

— Тасвирни саҳнадаги ҳаракат билан боғлаш ниҳоятда қийин кечди. Чунки улар бир-бирини тўлдириши керак эди, — дейди саҳналаштирувчи режиссёр ва рассом Бахтиёр Тўраев. — Бир қарашда жўн ва осон кўринган қумда чизилаётган расмларни яратиш учун бир неча йил вақтим кетди. Аслида муаллиф асарни 2007 йили яратган эди ва ўтган тўрт йил давомида уни мукаммаллаштирди.

Асар томошабиннинг, эстетик дидини ошириш, мусиқага бўлган муносабатини тарбиялаш нуқтаи назардан ҳам аҳамиятлидир. Шу кунги томошадан бир олам завқ билан чиқар эканмиз, театр фойесида ҳаяжонланиб турган бир гуруҳ хорижий сайёҳларга кўзимиз тушди. Вақтни ўтказмай интервьюга чоғландик:

— Очиғи, Тошкентда шундай спектакль кўраман деб ўйламаган эдим, — дейди олис Эквадордан келган Сония хоним. — Ҳашаматли театр саҳнасида кўйилган бу сўзсиз асарни нафақат тушундим, балки болалик даврларимга, илк севги туйғуларига қалбимга кириб келган ширин дамларга қайтгандай бўлдим. Миллий либосда рассом томонидан яратилган Йигит ва Қиз — Одам Ато ва Момо Хавони кўриб, бош аждодларимиз ўзбек бўлганимиз, деган ҳаёлга ҳам бордим. Эквадорга қайтар эканман, Ўзбекистон, бу ерда кўрган, билганларим ҳақида ҳамма ҳаммага тўлиб-тошиб гапиришни истаётман.

Азиз НОРКУЛОВ, журналист

10 000
БАХТЛИ КАРТА
ВА 50 МБ ИНТЕРНЕТ ТРАФИККА

Очиш
Ҳисобни тўлдириш
Совға олиш
Хос...

МТС бир қадам олдинда

Ўзбекистон Республикасида Интернет-трафикнинг тарқатиш ва фойдаланиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги қонуннинг 11-моддаси билан тасдиқланган.

ҲИСОБНИ ТЎЛДИРИНГ ВА 50 МБ СОВҒА ОЛИНГ!

«БАХТЛИ КАРТА» АКЦИЯСИ

31 августгача 10 000 сўмлик бахтли карточкани харид қилсангиз, 50 МБ Интернет-трафикка эга бўласиз.

Диққат, танлов!

«ЭНГ ЯХШИ КИТОБ»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда «Китоб дунёси» газетаси тахририяти Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб юртимизда фаолият юритаётган нашриётлар ўртасида мазмун-маънавий жиҳатдан, матбаа ижроси юзасидан энг яхши китобларни аниқлаш, нашриётлар ва муаллифларни рағбатлантириш ҳамда нашрлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кўйилган номинациялар бўйича «Энг яхши китоб» III кўрик-танловни ўтказилишини эълон қилади:

- «Ижтимоий-сиёсий адабиёт»;
- «Ватан тарихи»;
- «Ўзбек мумтоз адабиёти»;
- «Болалар ва ўсмирлар адабиёти»;
- «АРТ китоб».

Танловга кўйилган нашрларнинг кўйилган жиҳатлари эътиборга олинади:

- маъно-мазмун, унинг маърифий жиҳатдан таъйирлиги даражаси;
- тахририй-ноширлик даражаси;
- дизайннинг оригинал ечимини ва бадий ечимларнинг мазмунга, ўқувчилар доирасига ҳамда мақсадларига мувофиқлиги;
- матбаа ижросининг сифати;
- нашрнинг оммабоплиги ва профессионал жиҳатдан аҳамиятлилиги.

Кўрик-танловда нашриётлар 2010 йил ва 2011 йилнинг биринчи ярмида нашр этилган чекланмаган номдаги ноширлик маҳсулотлари билан қатнашишлари мумкин.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида аниқланади ва матбуотда эълон қилинади. Ғолибларга диплом ҳамда совғалар топширилади.

Кўрик-танловга тақдим этиладиган адабиётлар 2011 йил 10 августгача кўйилган манзилда қабул қилинади:

Тошкент 100129, Навоий кўчаси 30-уй, «ART FLEX» нашриётининг «Китоб дунёси» газетаси тахририяти.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 244-13-65, 244-95-20

Ташкилий кўмита

Ч ақ-чук Сени дедим, ўзимни унутман

- Дунёда ҳамма нарсани биламан деган киши мукаммалликка эришиш у ёғда турсин, оддий инсон тушуниб еттиши мумкин бўлган ўзлардан ҳам маҳрумлигига қолади.
- Охирининг дили поэтик одамга ўхшашлиги бор. У соф маъдани ўзига қаттиқ куч билан тортади, занглаган — тани қилган маъдани эса ўзига хушламайроқ янгилаштиради, миждоғига мос келмаган жисмини ўзидан нарига итаради.
- Дунёни турфа улов босиб кетганда ҳам йўл пилдасиз бўлмайди.
- Сўқоничнинг орзи, ваъдабознинг лафзи ҳаром.
- Пашша бўлса ҳам озори ёмон.
- Ёлгон бир кун ёрилар — ёвонига қорилар.
- Укувсизнинг ўпгани — туянинг тепгани.
- Ёнигини гугуртга ишониб бўлмайди.

Қамбар ОТА

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини қляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

9 772010 752002 >

Бош муҳаррир **Уктам МИРЗАЁРОВ**

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Тахририятга келган хатларга жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11

Андижон — 8-374-250-90-39

Бухоро — 8-365-592-85-02

Самарқанд — 8-366-233-62-12

Сурхондарё — 8-376-396-30-59

Фарғона — 8-373-215-80-58

Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Фозил ЖАБОРОВ**

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 22 00

® — тижорат белгиси.

Адади: 5948 Буюртма — Г-755 123 5